O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KITOB PALATASI




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2005-yil, 25-fevral • № 9 (3786)


## ҚОМУСИЙ АСАРНИНГ ЯНА БИР ФАЗИЛАТИ



«Бобурнома»ни ўқиганда ўқувчининг ундан ўз ёндафтарига кўчириб олиши лозим бўлган ўринлар жуда кўп учрайди. Чунончи, биз «ўлчов бирликлари» деб номлаётган бирликлар ана шулар жумласидандир.

Ўлчов билдирадиган *дона, нусха, тўп, боғлам, сиқим, тутам, қарич, таноб, гектар, грамм* сингари *ҳажм, вақт, вазн* ва *масофа* каби ўлчов билдирувчи сўз қатламлари илмий грамматикамизда сон туркуми доирасида ҳисоб сўзлари (нумеративлар) деб изоҳланган.

Ҳисоб сўзларининг тури ва тилга ўзлашиб бориш йўллари жуда хилма-хил, лекин масалага моҳият жиҳатидан ёндашадиган бўлсак, биз бу тоифа сўзларнинг фақат маъно ва морфологик жиҳатларига эмас, хилма-хил услубий хусусиятларига ҳам эътибор беришимиз зарур. Уларга кенгроқ доирада ўлчов бирликлари деб қарашимиз мақсадга мувофиқдир.

Бобурнинг йирик асарларидан бири бўлмиш «Мубаййин»нинг «Китоб ус-салот» қисми билан таниша туриб унинг намоз фарзларини баён қилган байтларига дуч келамиз. Адиб ёзади:

**Чун ариғлиғ *тозалик* бори бўлур сувдин,**
**Бурна сувнинг таҳоратини дейин.**

Ўқиган одам «аввал сувнинг таҳоратини дейин» деган гапни кўриб ўйланиб қолади. «Сувнинг ҳам таҳорати» бўладими? Аниқки, бу ерда «сувнинг поклиги», «сувнинг тозалиги» назарда тутилган. Кўчма маънода қўлланган ифода Бобур меросидаги айрим ўлчов бирликларини эсимизга солади.

«Бобурнома»нинг Самарқанд таърифи ҳақида сўз борган жойида Бобур ёзади: «Анда бир улуғ айвон иморат қилибтур, бу айвоннинг ичида бир улуғ тош тахт қўюбтур, тули (бўйи) тахминан ўн тўрт-ўн беш қари бўлғай, арзи (узуни) етти-секкиз қари, умқи (эни) — бир қари».

Оддийгина ўлчов бирликлари. Лекин бунда *тул, арз, умқ* сингари тарихий қатламлар ўлчов бирлиги сифатида ишлатилган.

«Бобурнома»нинг бошқа бир ўрнида «Мубаййин»дан қизиқ бир парча олиб келтирилган ва у ўлчов бирликлари сифатида умумлаштирилган.

**Тўрт мингдур қадам била бир мил,**
**Бир курўҳ они Ҳинд эли дер, бил.**
**Дедилар: бир ярим қари бир қадам,**
**Ҳар қари билки, бордур олти тутам.**
**Ҳар тутам тўрт элик, яна ҳар элик**
**Олти жав арзи бўлди бил, бу билик».**

(4000 қадам — бир мил (ҳиндча бир курўҳ); 1 қадам — 1,5 қари; 1 қари — 6 тутам (тахминан 60 см); 1 тутам — 4 элик (илик); 1 элик — 6 жав арзи — арпа эни.)

**Давоми тўртинчи бетда.**

Рамз БОБОЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

## БИР БАЙТНИНГ ИККИ САТРИ

Куни кеча Зулфиянинг ўғли Омонжон менга телефон қоқиб, деди:

— Аям тирик бўлганларида бу йил тўқсонга кирган бўлардилар. Шу муносабат билан қаламкаш дўстларининг эсдаликларидан бир китоб қилиш ниятидаман.

Мен унга:

— Балли! Модомики, дўст дўстлари хотирасида яшар экан, шоир ўз шеърлари сатрида ҳамиша барҳаёт, шундай эмасми? — дедим.

**Тун ўтади, яна чорбоғдан**
**Кўтарилар саҳарги туман.**
**Мен-чи, аста чироқ сўндириб,**
**Отаётган тонгни кутаман.**

Ушбу мисралар Ўзбекистон халқ шоири Зулфия қаламига мансуб. Мана, у кутган тонг ҳам отди, йўллар чароғон, шаҳарлар файзу фароғатли, маҳаллалар обод, кўча-кўйларда истиқлол байроғи ҳилпираб турибди.



**Сув оқади аллалаб тунни,**
**Ҳамма ухлар, уйда мен уйғоқ.**
**Парча қоғоз, кичик бир қалам,**
**Бошим узра порлайди чироқ.**

**Бунда қанча хаёл, қанча куй,**
**Мен берилиб, қулоқ соламан.**
**Сўз тополмай ифодасига**
**Ранг ахтариб, шошиб қоламан.**

**Ҳуррият келдингми, наҳотки келдинг,**
**Келар йўлларингда пинҳона толдим.**
**Менинг ота-онам, жон Ватанимда,**
**Элим тақдирида абадий қолдинг.**

**Келдинг-ей, истиқлол, истиқбол бўлиб,**
**Қалбимга насиминг билан йўл солдинг.**
**Сен шу ҳур назмга ихтиёр бериб,**
**Мен оғир булутдек бир ёғиб олдим...**

**Давоми тўртинчи бетда.**

## ХАЛҚ ИЖОДИ — ТУГАНМАС ХАЗИНА

Бадиий академиянинг кўргазмалар залида Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Халқ ижодиёти маркази ташаббуси билан ташкил этилган халқ амалий санъати усталари ва ёш ҳунармандларнинг Республика кўргазмаси очилди.

Кўргазмадан вилоятлар ижодкорларининг юздан ортиқ кулолчилик, ўймакорлик, ганчкорлик ва бошқа турдаги амалий санъат ишлари жой олган. Тадбирни Бадиий академия раиси Т.Қўзиев очди. Кўргазманинг очилиш маросимида Маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари жаноб Барри Лайн қатнашдилар.

## ЁШ РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимизнинг Халқаро Маданият Карвонсаройида ёш рассом Сардор Нуғмановнинг ижодий кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада ёш рассомнинг элликка яқин манзара, натюрморт, портрет жанрида чизилган суратлари намойиш этилди. Рассом асарларида она юрт манзаралари меҳр билан тасвирланган.

Сардор бевосита табиат қучоғида кўрган-кечирганларини ўша ернинг ўзида тасвирлайди. Шунинг учун ҳам рассомнинг «Чорвоқ», «Куз», «Қиш», «Баҳор келди» номли суратлари табиийлиги билан томошабинни мафтун этади.

Ёш рассом институтда ўқиш билан бирга турли кўргазма ва танловларда иштирок этиб, фахрли совринлар билан тақдирланмоқда.

***Суратда: рассом ижодидан намуна.***



**Ўзбекистон телевидениеси Ёшлар телеканалининг «Ҳайрат», «Бир пиёла чой устида», «Ракурс», «Ғазал соғинчи», «Оҳанрабо» кўрсатувлари миллий тафаккурни бойитиш, ўзлик, нафсоният ва масъулият ҳиссини ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай кўрсатувлар орасида Илмира Раҳматуллаеванинг «Оила тилсими» муаллифлик кўрсатуви муносиб ўринга эга.**

## «ОИЛА ТИЛСИМИ» — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Машҳур кишиларнинг оилавий ҳаёти, турмуш можаролари, ҳаёт тарзи ҳақида кўрсатувлар тайёрлаш Америка, Ғарб ва Россия замонавий тележурналистикасида ҳозирда кенг тарқалган. Лекин «Оила тилсими» кўрсатуви мақсадининг хайрлилиги, масалага илмий ёндашилганлиги жиҳатидан олди-қочди бозорбоп кўрсатувлардан фарқланади. Унинг эфир юзини кўрганига нари борса, тўрт-беш йил бўлди. Лекин шу қисқа вақт оралиғида мухлислар эътиборига тушди.

Дастлаб юртимизда мураккаб ўтиш даврида юзага келган қийинчиликларни ўз тақдирларида синаб кўриб, кенг сармояли бизнеслар очган, чет элларда тажриба орттирган тадбиркорлар, олимлар, тиббиёт ходимлари, бир сўз билан айтганда, янги давр қаҳрамонларининг оилавий ҳаёт йўли ёритилди.

Кейинги пайтларда ижтимоий-сиёсий жараёнларда, маданий-маърифий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлган зиёли оилалар тарихи ёритиб бориляпти. Олим Шарафиддинов, Одил Ёқубов, Эрик Каримов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Озод Шарафиддинов, Абдулла Орипов каби зиёли оилалар ҳаёти ҳақидаги кўрсатувлар шулар жумласидандир. Муаллиф бундай оилалар тарихини ёритишга ижодий ёндашади, эфир имкониятлари билан катта кўламга эга бўлган назарий, фактологик материалларни уйғунлаштириш салоҳиятини намоён этади.



Ҳозирги ёшларнинг миллий қадриятларимизнинг муқаддас ўчоғи саналмиш оила тушунчасига муносабати улардан бир-икки авлод улуғ кишиларнинг оилага муносабатидан тубдан фарқ қилади. Зеро, бугунги ёшлар дунёқарашида реал ҳаёт ҳақиқатларига инсонпарварлик жиҳатидан, маънавий ёндашишдан кўра кўпроқ прагматик ёндашиш шаклланган. Яъни оила деганда мақсадли севги, мартаба, манфаат, дабдабаларни тушуниш устун турган бир пайтда, оила жамиятни тутиб турувчи устун, инсоннинг тўлақонли ҳаёт тарзи учун зарурий омил, тилсимларга бой ҳаёт мактаби, муқаддас илоҳий бирлик эканлиги ҳақида кўникмалар ҳосил қилиш вазифасини кўрсатув ижодкорлари яхши уддалаяптилар. Айниқса, китоб дунёсидан анча узоқ бўлган ёшлар кўпроқ телекоммуникация воситалари орқали тарбияланаётган бир даврда уларни ўйлашга, фикрлашга, изтиробга солишга, бир сўз билан айтганда, жонли намуналар орқали қалбини уйғотишга қаратилган бу каби кўрсатувларнинг аҳамияти беқиёсдир. Сабаби, алоҳида оилалар тақдиридан миллат тақдири яратилади, миллат тақдирини англаш эса унинг бир зарраси сифатида ўзликни англашдир. Шу сабабли «Оила тилсими» кўрсатувини миллат тарихи ва тақдирини мушоҳада қилиш орқали бугунги кунни, келажакни ва ўзликни англаш мактаби деб айтиш мумкин.

**Ш.ҒОЙИПОВА,**
**Фалсафа ва ҳуқуқ институти докторанти**

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Қашқадарё маданият ва спорт ишлари бошқармаси «Наврўз» умумхалқ байрамини кенг нишонлаш юзасидан тайёргарлик ишларини бошлаб юборган. Қарши шаҳридаги Навоий номидаги истироҳат боғи, Болалар боғи, Мустақиллик боғи, «Насаф» ўйингоҳи ва барча маҳаллаларда халқ сайли уюштирилади. Байрам олдидан «Кўҳна Насаф садолари» мавзуида фолклор-этнографик ансамблларнинг вилоят танлови ва «Бахшили эл — ботир эл» мавзуида вилоят бахшиларининг танлови ўтказилади. Шунингдек, Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига «Мозийдан садолар» театрлашган томоша қўйилади. Барча истироҳат боғларида миллий урф-одатлар, анъаналарни мужассамлаштирган «Наврўз тўйини куйлайлик», «Элимда Наврўз бугун» номли байрам дастурлари намойиш этилади.

* * *

Қарши санъат коллежида «Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан ҳамда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб Халқ амалий санъати усталари ва ёш ҳунармандларнинг «Миллий қадриятлар — миллат кўзгуси» деб номланган вилоят кўргазмаси бўлди. Бу кўргазмани ўтказишдан мақсад ёшларда санъатнинг ранг-баранг турларига ва касб-ҳунарга қизиқишини шакллантириш, ота-боболаримиздан қолган қадриятларимизни янада ривожлантиришдир.

* * *

Қарши шаҳрида мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг Муҳиддин Қориёқубов номидаги вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди.

**М.КАРИМОВА**

*Янги томоша*

## «ДЕВОНА»

Алишер Навоий номидаги Санъат саройида намойиш этилган «Девона» филмининг тақдимотига борар эканман, филмни «Тушларимда ғамгин йиғлайман», «Чаёнгул» филмларининг режиссёри Собир Назармуҳамедов суратга олгани ва сценарий муаллифи таниқли ёзувчи Асад Дилмурод ҳамда «Ўзбекфилм» маҳсулоти эканлиги диққатимни тортди.



Филм лавҳалари тоғ атрофида жойлашган қишлоқ манзараларидан бошланди... Аслида девона-ошиқ бу филмда бутун ақл-ҳушини «Қоработир» оти ўғирланган, фарзанди тақдирини ҳам шу отга боғлаган ота — Мурод Ражабов талқинидаги қаҳрамондир. Филмнинг баъзи лавҳаларида воқеалар изчиллиги етишмаслиги сезилса-да (бу нарса филмнинг бош қаҳрамонлари Жамила ва Шодига боғлиқ воқеаларда кўзга ташланади), бироқ киноижодкорлар инсон табиатининг ғаройиб эканлигини, ўзига хос хусусиятларини кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Баъзи бир кемтикликларига қарамай, ушбу филм кейинги йиллар кино санъатимизда ўзбекона табиат, ўзбекона феъл-атворни самимий ва беғубор юмор орқали ифодалашга уринишдир. Бу уринишнинг ижодий самараси, томошабинни ўзига мафтун этувчи натижаларини ҳам кўрамиз. Бастакор Анвар Эргашевнинг мусиқаси ҳамда актёрлар Эркин Комилов, Дилбар Икромова, Элмира Раҳимжонова ва Шуҳрат Нуралиевларнинг ижроси филмнинг томошавийлигини оширишга хизмат қилади.

## «ХИЗМАТДАМИЗ, ХИЗМАТДА»

Саид Анварнинг илк комедияси «Томошамисан-томоша» 1986 йили Ҳамза номидаги Қўқон драма ва комедия театрида саҳналаштирилган эди.

Кўп ўтмай «Ёшлик» журналида «Ҳамма биладиган эртаклар» номли қиссаси босилди.

1998 йили ёзилган «Осмондан тушган одамлар» комедияси дастлаб Фарғона театрида, сўнг Андижон ёшлар театрида саҳналаштирилди. Ёзувчилар уюшмаси эълон қилган танловда «Йилнинг энг яхши драматик асари», Маданият ва спорт ишлари вазирлиги эълон қилган танловда «Йилнинг энг яхши спектакли» номинациялари бўйича ғолиб топилди. Бу муваффақиятдан руҳланган драматург «Хизматдамиз, хизматда» деб номланган янги комедияни ёзди.

Асарни Жанубий Қозоғистон вилояти ўзбек драма театри саҳналаштирди. Мабодо, ўша томонларга йўлингиз тушиб қолса, ҳайрон бўлманг-да, маза қилиб томоша қилинг.



**Суратда: комедиядан лавҳа.**

*Диққат: янги филм*

## ИСЛОМ МУТАФАККИРЛАРИ

Малайзия ва Ўзбекистон халқлари орасидаги дўстлик алоқалари борган сари ривожланиб бормоқда. Дўст мамлакатнинг «System Television Malaysia Berhad (TV-3)» телекомпанияси ижодий гуруҳи ватанимизда «Ислом олами мутафаккирлари» номли махсус ҳужжатли филмни суратга олиш ишларини ниҳоясига етказмоқда. Филмни яратишдан мақсад халқаро жамоатчиликни ўрта аср илм-фани тарихида ёрқин из қолдирган буюк бобокалонларимиз Ал-Бухорий, Хоразмий, Беруний, Баттоний, Форобий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Шайх Зайниддин ва бошқа қатор алломалар, давлат арбоблари, дин пешволари ҳаёти ва фаолияти билан таништириш ҳамда уларнинг инсоният илмий-маданий меросини бойитишга қўшган бебаҳо ҳиссасини муносиб баҳолашдир.

Ижодий гуруҳ аъзолари — продюссер Моҳд Зайлан бин Абд Раҳмон, операторлар Моҳд бин Иброҳим ва Муҳаммад Фитрилар улуғ алломаларимиз ҳақидаги филмда мамлакатимиз тарихида катта аҳамият касб этувчи қўлёзмалар, ҳозирги етакчи тарихчи олимлар, дин вакиллари ҳамда адабиётшунослар билан ўтказган суҳбатларини ҳам намойиш этишларини билдиришди. Шу мақсадда ижодий гуруҳ Самарқанд, Бухоро ва Хоразмда бўлишди, Тошкентдаги Темурийлар тарихи ва Тарих музейларида, Шарқшунослик институтида бўлиб, қизиқарли материаллар билан танишишди ва суратга олишди.

Ўрта асрларнинг машҳур кимёгар олими Жобир ал Хайём ҳақидаги лавҳалар Тошкент Кимё-технология институтида суратга олинди. Ижодий гуруҳ бир қатор тажрибалар ўтказишда ёрдам берган доцентлар Маъмурахон Абдумавлонова ва Илтифот Бадалбоевага миннатдорчилик билдирди. Жобир ибн Хайём ролини ижро этган Малайзиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходими Қобилжон Собиров талабалар билан суҳбатда бўлди.

Филм шу йил май ойида кўпгина мамлакатларда намойиш қилиниши мўлжалланмоқда.

**Кудрат ҳожи АҲМЕРОВ**

**БИЛДИРИШ**

Шу йилнинг 4 март куни соат 11. 00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни олдидан «Баҳор илҳомлари» мушоираси бўлади.

Мушоирага шоирлар, шоиралар ва барча адабиёт мухлислари таклиф этилади.

**Манзил: Мустақиллик майдони, Ж.Неру кўчаси, 1-уй.**

## БУГУНГИ СОНДА:

2 ТЎЙДАН МАҚСАД НИМА?
БАҲОР СОҒИНЧИ 3
4 НУРГА ТЎЙМАГАН ДУНЁ
ОХИРГИ БЕКАТ ХАВФИ 5
6 ЎЗИМ БУТУН - ИЧИМ ТУТУН

**Тил — мустақиллик белгиси ва миллий ғурур рамзи. Ўзини ҳурмат қилган ҳар бир миллат она тилини ҳам эъзозлайди, уни ривожлантиради, тараққий эттиради.**

**Ўзбек тилининг 1989 йил 21 октябридан давлатнинг расмий тили мақомига кўтарилиши Юртбошимизнинг узоқни кўра билиши ва сиёсий жасорати самарасидир.**

# ТИЛ РИВОЖИ — МИЛЛАТ РИВОЖИ

Янги рукн: «Тил қадри — эл қадри»

Ўтмишда жаҳон тиллари қаторида муносиб ўрин тутиб келган туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили бой адабий хазинаси билан ҳар доим тадқиқотчилар эътиборини тортган. Кушон шоҳлари тангаларида зарб урилган «ябғу — жабғу» (хоқон, шаҳзода маъносидаги сўз)дан Урхун-Энасой обидалари, Ўрта Осиё ҳудудидан топилган туркий ёзувдаги археологик ёдгорликлар тилимизнинг қанчалик узоқ тарихга эга эканлигидан далолат беради.

XI асрда яратилган Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарлари ва бошқа адабий асарлар тилимизнинг теран фалсафий ғояларни ифода этишда беназир эканлиги исботидир.

Тилимиз тараққиётида «Девону луғотит турк» бениҳоя муҳим ўрин тутади. Кошғарий ушбу асари билан она тилида илмий тилшуносликка асос солиб, унинг мураккаб қирраларини очиб берди.

Ўзбек тили XV асрда улуғ Навоий ҳиммати ва маърифатпарвар шоҳ Султон Ҳусайн Бойқаро ҳимояси билан гуллаб-яшнади, тараққиётнинг юксак поғоналарига кўтарилди. Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида ўзбек тилининг илмий, адабий ва бадиий ифода имкониятлари нечоғли кенг эканлигини назарий жиҳатдан рад этиб бўлмас далиллар билан исботлаб берди. «Хамса» ва бошқа асарлари орқали буни амалий жиҳатдан ҳам тасдиқлади.

Темурийлар ва улардан кейин бобурийлар ўзбек тили ривожига улкан ҳисса қўшиш баробарида ҳатто форс тилига ҳам ҳомийлик қилдилар. Эронлик тадқиқотчи доктор Забиҳулло Сафо «Эронда адабиёт тарихи» номли китобида тўғри таъкидлаганидек, темурийлар ва бобурийлар ижодий-амалий фаолиятлари билан форс тилини муқаррар инқироздан сақлаб қолдилар.

Бундай бағрикенглик бизнинг миллатимизга хос, десак муболаға бўлмас. Халқимиз ҳар доим бошқа миллатлар билан дўстона муносабатда бўлиб, уларнинг маданиятлари, урф-одатлари, айниқса, тилларига эътибор бериб келган. Жумладан, Маҳмуд Ғазнавий саройида йирик шоирлар Фаррухий, Унсурий, Асжадий, Фирдавсий, Ғазоирий Розий ва Манучеҳр Домғонийлар қаторида 400 шоир форс тилида адабий ижод билан шуғулланган.

Ислом тараққиёти боис туркий тил араб ва форс тиллари ҳамда адабиёти билан ҳамкорликда янада ривожланди.

Адабиётимизга аруз вазни кириб келди. Навоий ўзининг катта ҳажмли буюк ижоди билан бармоқ вазнидан арузга ўтиш жараёнини тезлаштириб, такомиллаштирди. «Мезон ул-авзон» асарида эса аруз илмининг усул-қоидаларини ёритиб берди.

XX аср аввалларигача бизнинг адиб, олим ва шоирларимиз кўпинча араб, форс тилларини яхши билганликлари туфайли улардаги адабиётлардан кенг кўламда фойдаланиш имконига эга эдилар. Аммо тоталитар тузум даврида кирилл имлосига ўтиш ва араб ёзувидаги китоблардан фойдаланиш ман этилиши оқибатида халқимиз қарийб мингйиллик бебаҳо хазинадан маҳрум қилинди. Оқибатда мумтоз адабиётимиздан узоқлашдик. Навоий, Лутфий, Саккокий, Атоий ва бошқа йирик шоирларимиз қолдирган асарлардан фойдаланиш қийинлашди. Бу эса маънавий мерос тарғиботида салбий оқибатларга олиб келди.

Мумтоз адабиётимиздан узоқлашиш асрлар давомида ўзбек тилининг бойлиги ҳисобланган кўпдан-кўп адабий сўзлар, ҳуқуқий, фалсафий ва диний атамалар истеъмолдан тушиб, ўзбек тилининг муайян даражада қашшоқлашишига сабаб бўлди.

Шўро сиёсати таъсирида тилимиз чекланди, тасаввуф, шариат, ақоид ва фиқҳга оид кўплаб атамалардан фойдаланиш амалда таъқиқланди. Миллий ифтихоримиз, миллий ғуруримизга боғлиқ бўлган сўзларни ишлатиш ман этилди. Атоқли шоир ва адиб, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов таъкидлаб ўтганидек, «Ўзбекистон деб аталган юртда ўзбек тили қуйи даражадаги тил, авом тили ҳисобланди, юксак минбарлардан, илмий, маънавий анжуманлардан қувғин қилинди». Бундай ғайримиллий сиёсат оқибатида илгари халқимиз учун аниқ ва тушунарли бўлган бир қанча атамалар ўз ҳақиқий моҳиятидан узоқлаштирилди ва баъзан нотўғри маънода ишлатилди. Биз бу каби сўзлардан айримлари ҳақида фикр юритишни лозим топдик.

**Фуқаро.** Арабча *фақир* сўзининг кўплиги бўлиб, *қашшоқлар, йўқсиллар, муҳтожлар* ва *дарвишлар* маъноларини ифодалайди. Лекин биз уни «граждан» маъносида ишлатиб келамиз. Бизнингча, «ватандош» ёки «ҳамватан» атамалари «граждан» маъносини яхшироқ ифода қилса керак.

**Муҳим аҳамият.** Ушбу иборада «муҳим» сўзи «аҳамият» сўзининг даражаси ва катта эътиборга эга эканлигини кўрсатиш мақсадида унга сифат қилиб қўшилган. Лекин бу таркиб нотўғри. Негаки, бир сўзни ўзининг маъноси билан таърифлаш ёки тавсифлаш мантиққа тўғри келмайди. Чунки машҳур қоидага биноан «бир нарсани унинг ўзи билан таърифлаш ботил ҳисобланади». Масалан, гўзалликни *гўзал* сўзи билан тушунтирмоқчи бўлиб, «гўзал гўзаллик» десак тўғри бўлмайди. Шунга ўхшаш «муҳим» сўзининг маъноси *аҳамиятли* демакдир. Энди агар биз «фалон иш муҳим аҳамиятга эга» десак, дарҳақиқат, ўша иш «аҳамиятли аҳамиятга эга» деган бўламиз, бундай ифода ғализ. Шунинг учун *муҳим* сўзи ўрнида бошқа бир сўз, масалан, *катта аҳамият, ҳаётий аҳамият, халқаро, илмий-амалий* ёки *кенг қамровли аҳамият,* деб ишлатиш мақсадга мувофиқ бўларди.

**Маҳкама.** Арабча сўз бўлиб, *ҳукм чиқарилган жой,* яъни *суд* маъносида ишлатилади. Унинг кўплиги «маҳоким»дир. Араб ва форс тилларида фақат суд маъносида ишлатилади. Масалан: «маҳкамаи мадания» (фуқаролик суди), олий маҳкама (олий суд), маҳкамаи ихтисосий (ихтисослашган суд), маҳкамаи жиноий (жиноий суд), шунингдек, «виждон маҳкамаси» атамаси ҳам ишлатилади. Маҳкамани бошқа орган ва идоралар маъносида қўллаш, уни асл маъносидан ажратиб ишлатиш бўлади.

**Ташриф** сўзи *улуғворлик, юксаклик, қадру мартаба, юқори насаб* маъносида бўлган *шараф* сўзи ўзагидан келиб чиққан. *Ташриф* сўзи *шараф бағишламоқ, мушарраф айламоқ, улуғвор қилмоқ, улуғламоқ, улуғлик бағишламоқ* маъноларини англатади. Одатда сўзлашувда ҳурмат юзасидан меҳмон ёки кекса кишиларга айтилади. Чунончи, *уйимизга ташриф буюринг, ташрифингиз чоғида биз уйда йўқ эдик* ва шу кабилар. Баъзан энг олий мақом соҳиби, масалан, давлат раҳбарлари ўзига нисбатан ҳам *ташриф* сўзини ишлатишлари мумкин.

Аммо «ташриф» сўзи ҳеч қачон оддий шахс, масалан, журналист ёки ёзувчи ё оддий фуқаро томонидан ўзига нисбатан ишлатилмайди. Чунки бу манманлик ҳисобланади. Дейлик, журналист «Мактабга ташрифимиз чоғида болалар спорт билан машғул эдилар» ёки «Биз ўша жойга ташриф буюрдик» деса, катта хато ва кулгили бўлади. Бизда ушбу сўз, афсуски, кўп ҳолларда ноўрин ишлатилади.

**Баҳс** арабча сўз бўлиб, араб, форсий ва туркий тилларда *қидириш, тадқиқ этиш, текшириш, суҳбат олиб бориш, мунозара қилиш* маъноларида ишлатилади. Баҳс ҳар доим оғзаки бўлади, сўз воситасида баҳслашилади. Лекин журналистларимиз баҳсни футбол ўйинлари жараёнида командалараро бир-бирига қарши курашиш, мусобақа қилиш маъносида ҳам ишлатадилар. Бу тўғри эмас. Унинг ўрнида *мусобақа, куч синашиш* каби сўзлар ишлатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Олий жазо.** *Олий* сифат сўз туркумига оид бўлиб, *юксак, улуғ, баланд, улуғвор* ва қимматли маъноларида қўлланилади. *Олийнасаб, олижаноб, олийрутба, олийҳиммат ва олиймақом* каби сифатлар у билан ясалади ва салбий маънода қўлланмайди. Лекин бизда ушбу сўз «олий жазо» таркибида салбий тушунча сифатида катта жиноятлар учун бериладиган энг оғир жазо маъносида ҳам ишлатилмоқда. Биз «Суд фалон қотилни олий жазо ёки энг олий жазога маҳкум қилди» деганда, ўлим жазосига ҳукм қилинди, демоқчи бўламиз. Лекин «олий жазога ҳукм қилинди» иборасининг луғат юзасидан маъноси — у юксак ва яхши жазога ҳукм қилинди ёки унга юксак мукофот берилди маъноларини англатади. *Олий* сўзи салбий маънони ифодалаши мумкин бўлмагани учун «олий жазо» ўрнида «оғир жазо, қаттиқ жазо, энг оғир жазо» атамаларидан фойдалансак, тўғри бўларди.

**Яна бир фикр.** Кўпинча ўз тилимизда мавжуд бўлган чиройли сўзлар ўрнида арабча, форсча ёки русча сўзларни ишлатамиз. Масалан, «у онасининг оғушида ўсди», деймиз. Бунинг ўрнига «онасининг қучоғида» ёки «бағрида ўсди» дейилса, мантиқли бўларди. Ёки «ўз ҳаётини фанга бахшида этди» ўрнида «ўз ҳаётини фанга бағишлади» деганимиз маъқулроқ.

Шоир Эркин Воҳидов «Она тилим» сарлавҳали мақоласида («Халқ сўзи», 2003 йил, 21 октябр) ўзбек тили ривожига оид бир қанча муаммоларни таҳлил қилиб, уларни ҳал этиш йўлларини топишга интилган ва жуда фойдали таклифлар билдирган. У тил муаммоларини текшириб, бир муҳим масалага эътиборни қаратади: «Алишер Навоий жаҳон шоирлари ичида энг кўп сўз ишлатган, луғати бой шоирлардан бири ҳисобланади. Унинг тилини «архаик» десак, ўрганиб қайта жон бахш этмасак, Навоийнинг сўзи бизники-ю, шеъри бизники эмас, деган бўламиз».

Ёки шоирнинг қуйидаги фикрларига диққат қилинг: «Олий Мажлис сессиясида Президент Ислом Каримовнинг қалам аҳли бўлган депутатларга қарата: «Нега халқимиз учун Навоий шеърларини англаш бугун қийин?» дея берган саволида она тилимиз бошига тушган қисмат дарди бор эди. Дарҳақиқат, Навоий ўзбекнинг даҳо шоири деб ғурурлансак, Навоий номи билан энг катта кўчалар, бош кутубхоналар, шаҳар, вилоятларни атасак-да, ўзимиз унинг шеърларини ўқиб тушунмасак, бундан оғир кўргулик борми?»

Биз адиб ва шоир Э.Воҳидовнинг ўзбек тили ривожи учун билдирган барча таклиф ва хулосаларини қўллаган ҳолда, таъкидламоқчимизки, давлат тилимиз — ўзбек тилини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш, ундаги бўшлиқларни тўлдириб, камчиликларни тузатиш тилшуносларимиз ва масъул кишилар олдида турган катта тарихий бурч ҳисобланади.

Она тилимизни янада бойитишни таъминлаш, кун сайин чет тиллардан кириб келадиган янги сўзлар ва атамаларни қабул қилиш механизмини белгилаш ёки уларга муодил (тенгдош) сўзлар ва атамалар яратиш зарур. Иқтидорли ва илмий салоҳият эгалари бўлмиш бир гуруҳ филологлар, ўзбек, араб, форс ва туркий тиллар мутахассислари, тил ривожига тегишли айрим фанлар олимларидан таркиб топган ўзбек тили ривожи комиссиясини ташкил этиш эҳтиёжи мавжуд. Бу мустақиллик рамзи бўлмиш давлат тили ривожи йўлида қўйилган тарихий бир қадам бўларди.

**Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ,**
**Тошкент ислом университети ислом ҳуқуқи кафедраси мудири**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

***Халқимизда она тилимизни улуғлаб айтилган ҳикматлар кўп. Уларда тилнинг қадр-қимматини юксак сақлашга, софлигини асрашга, уни бойитишга даъват этадиганлари бисёр. Зотан, бизда тилни қадрлаш ҳамиша эл-юртни, Ватанни қадрлаш сифатида тушунилган. Бу сонда эълон этилаётган мақола ҳам она тилимиз равнақини кўзлаб ёзилган. Унда баъзи баҳсли фикрлар учраши мумкин. Редакция бундан бошқача фикрларни ҳам ёритиб боради.***

# ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Яқинда журналистлар билан бўлган мулоқотда Юртбошимиз маънавий тарбиянинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида гапириб, маънавий ҳаёт моддий ҳаётдан кам бўлмаслиги, моддий ҳаёт қанчалик тез ўсадиган бўлса, маънавий ҳаёт ундан ҳам тезроқ ўсиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда ёшларимиз



орасида тобора оммалашиб бораётган эстрада санъати аксарият ҳолларда ёшларнинг дид-савиясини ўтмаслаштирувчи, уларни миллий қадриятларимиздан йироқлаштирувчи восита бўлиб қолаётгани ачинарли ҳолдир.

Эстрада санъатини ривожлантиришга қаратилган кўплаб ҳукумат қарорлари чиқаётгани, чора-тадбирлар кўрилаётганига қарамай, ҳамон бу соҳада жиддий камчиликлар учраб турибди.

Энг ачинарлиси, матбуот саҳифаларида, шу соҳага бағишланган турли тадбирларда билдирилаётган танқидий фикр-мулоҳазаларга қарамай, аксарият эстрада хонандалари ҳамон бачкана, енгил-елпи қўшиқларни айтишдан тийилаётганлари йўқ. Афсуски, радио-телевидениеда ҳам, матбуотда ҳам бундай чиқишлар намойиш этилиб, ижрочилари тарғиб қилинмоқда.

Ҳали куй-қўшиқнинг асл маъносини билмайдиган ёшлар эса ана шундай савиясиз, саёз хиргойиларни санъат деб қабул қилаётганлари одамни хавотирга солади. Боз устига ярим яланғоч қизлар рақс тушаётган, беҳаё хатти-ҳаракатларидан одам уяладиган ғарбга тақлид тарзидаги миллийликдан йироқ клипларга нима дейсиз? Бачкана кийиниб олиб, катта саҳналарда уёқдан-буёққа сакраётган хонандалар-чи?

Бундай ҳолатлар ёшлар тарбиясига, уларнинг маънавиятига таъсир этмайди, деб ким кафолат бера олади?

Яқинда Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзтелерадиокомпания, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, «Ўзбекнаво» бирлашмаси ҳамда консерватория жамоаси ҳамкорлигида ўтказилган мулоқот миллий эстрада санъатининг шу ва бошқа долзарб масалалари ҳақида бўлди.

Мулоқотда қатнашган консерватория проректори Д.Муродова, «Ўзбекнаво» бирлашмаси бош директори ўринбосари Й.Норбўтаев, Бастакорлар уюшмаси раиси Р.Абдуллаев, машҳур эстрада хонандаси Ю.Тўраев, Телерадиокомпания мусиқий эшиттиришлар дирекцияси раҳбари С.Алимбоев, «Мунаввар тонг» кўрсатуви бош муҳаррири М.Исмоил ва бошқалар йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтардилар. Бир гуруҳ эстрада хонандалари ўртага ташланган масалалар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

**Ўз ахборотимиз**

Кўз очиб юмгунча янги йилнинг иккинчи ойи ҳам якунланиб қолди. Кўпчилик корхоналар, муассасалар ва бошқа турли соҳаларда фаолият юритувчи ташкилотлар 2005 йилга мўлжалланган ишларнинг дастлабкиларини амалга ошириб улгурдилар. Бу борада театр санъати муассасалари ҳам изланишдалар.

Нафсиламрини айтганда, вилоят театрларига пойтахтдаги театрларга нисбатан бироз қийинроқ. Шунга қарамай, том маънода ўз касбининг фидойилари бўлган бу ижодкорлар мухлислари кўнглига йўл топиш мақсадида аллақачон янги асарлар устида иш бошлаб юбордилар. Энг аввало, барча вилоятлар театрларига хос умумий жиҳат шундаки, аксарият ижодий жамоалар улуғ адиб Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини муносиб кутиб олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Дастлаб вилоятлардаги мусиқий театрларга бир назар солайлик-чи. Қорақалпоғистоннинг Бердақ номидаги театри «Қирсагингга тирсагим» (Ў.Абдураҳмонов), «Ёшлар қалай топишди?» (К.Раҳмо-

# ВИЛОЯТ ТЕАТРЛАРИ: БЎШ КЕЛИШ ЙЎҚ!

нов), Бобур номидаги Андижон вилоят театри «Афтинг қийшиқ бўлса» (Т.Акбархўжаев), «Ғалвиршоҳ салтанатидаги ҳангомалар» (Ж.Тошхўжаев) каби асарларни мухлисларга тақдим этиш ниятидалар. Наманган ва Фарғона вилоятлари мусиқий театрлари Ғ.Ғулом, К.Яшин, А.Авлоний, Н.Аббосхон, М.Худойқулов, О.Ҳакимов, А.Азизов, ва Ўрдубодий каби муаллифларнинг турли мавзудаги асарлари устида ишлаяптилар.



Қўқон, Қашқадарё, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм мусиқий театрлари асосий диққат-эътиборни замонавий мавзудаги асарларга қаратганлар.

Қашқадарё мусиқали театрида эса Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб саҳна асари яратиш мўлжалланган. Юқорида номлари қайд этилган вилоятлар мусиқий театрлари мухлисларни чет эл драматурглари асарлари билан таништиришни, шунингдек, тарихимиз саҳифаларидан ҳикоя қилувчи спектакллар қўйишни режалаштирганлар.

Ёшлар ва ўсмирларни эса улар учун хизмат қилувчи театрларда турли мавзудаги томошалар кутяпти. Жумладан, Қорақалпоқ ёш томошабинлар театри «Қўпол қўчқор», «Талаш», «Мардлик ва ёвузлик» спектакллари, Андижон вилояти ёшлар театри «Ноилож ҳийла», «Ёвуз руҳ» асарлари ҳамда Шекспир ва Нозим Ҳикмат асарлари асосида томошалар қўйиш ниятидалар.

Вилоятдаги рус драма театрлари жамоаларининг ҳам ўз мухлисларига туҳфалари бор. Фарғона рус драма театри томошабинлари Н.Лесков, Дьерд Шпиро, К.Рождественская, Ў.Ҳошимов асарлари, шунингдек, халқ эртаклари асосидаги спектаклларни кўришга муваффақ бўладилар.

Рэй Куни, Ҳ.Расул, Е.Попова асарлари асосидаги спектаклларни кўришни истовчиларни Самарқанд вилояти рус драма театри кутади.

Энг жажжи мухлислар ҳам санъаткорлар эътиборидан четда қолмайдилар, вилоятлардаги қўғирчоқ театрлари улар хизматида. Қорақалпоғистонликлар «Ақл ёшда», «Кел дўстим, ўйнайлик», андижонликлар «Зўравон фил», «Саховат маликаси», фарғоналиклар «Маугли», «Ёввойи ўрдакча», «Ҳамма юлдузлар», «Мапет-папет шоу» каби қизиқарли томошалардан баҳраманд бўладилар.

Қашқадарё қўғирчоқ театрида «Ландовур бўри», «Сўнмас оташ», «Тайёрга айёр», «Мешполвон», Бухоро вилояти қўғирчоқ театрида «Меҳрдан яралди олам», «Ўрмон кампири», «Чираңма ғоз» спектакллари кичкинтойларга тақдим этилади.

Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида яшовчи кичик томошабинлар ҳам зерикиб қолмайдилар. Чунки бу театрларнинг жамоалари турли мавзудаги эртак-томошалар, болаларбоп саҳна асарлари устида қизғин иш олиб бормоқдалар.

Эътибор берган бўлсангиз, биз фақат баъзи спектаклларнинг номларига тўхталдик, холос. Бу номлар, эҳтимол, иш жараёнида ўзгариши ҳам мумкин. Ҳали муаллифлар, саҳнага қўйювчи режиссёрлар ҳам бор. Афсуски, уларнинг барчасини санаб ўтишнинг имкони йўқ. Бундан ижодкорлар ранжимайдилар, деб умид қиламиз.

Чунки асосийси, шароитнинг қандайлигидан қатъи назар, вилоятлардаги барча театрлар ижодий жамоалари қўл қовуштириб ўтирмаётганларини юқоридаги мухтасар маълумот яққол кўрсатиб турибди. Энди буёғи томошабинларга боғлиқ. Зеро, спектаклнинг ҳақиқий баҳосини улар берадилар.

**Г.УМАРОВА**

Мулоҳаза учун мавзу

# ТЎЙДАН МАҚСАД НИМА?

## ёхуд Абдулла Қаҳҳорнинг ушалмаган армони

***Ҳар кимни тўйига етказсин...***

***Бу тилакни кунда бўлмаса ҳам кунора эшитиб турамиз, ўзимиз ҳам такрорлашдан чарчамаймиз.***

***Дарҳақиқат, тўйига нима етсин.***

***Ўзбек борки, тўй-томошани орзу қилади; элга дастурхон ёзиб, яхши кунларда хеш-уруғлар, яқин дўст-биродарлар бирга бўлишини истайди.***

Аммо давраларда камроқ айтиладиган, кўпроқ чекка-чеккаларда, хусусан сирдош ошналару оила давраларида алам ила тилга олинадиган бир гап ҳам бор: Ўзбекнинг тўйи қурсин...

Илло, дўппини бошдан олиб, мулоҳаза юритиб кўрсангиз, бечора ўзбекнинг бутун умри тўй-томоша учун ўлиб-тирилиб пул йиғишу, сўнг бир амаллаб тўпланган маблағ ёнига бир олам қарз-қаволани қўшган қўйи бир неча соатлик тўй аталмиш издиҳомда ҳавога совуриб юборишдан иборатдек туюлади.

Тўй тугаган соатдан бошлаб эса яна йиғ-йиғ, бола-чақанинг томоғидан, усти-бошидан, китоб-дафтаридан иқтисод қил, саёҳатга борма, дам олишни хаёлингга келтирма, илло навбатдаги тўйни ҳам эл-қатори, балки элдан ўтказиб, яхшилааб ўтказиб олиш учун пул керак, пул; ахир орзу-ҳавас деган нарсалар бор...

Ўзбекнинг тўй ташвиши кундалик ҳаётда, тўйдан бошқа кунлари ҳам ўзини ёддан чиқартириб қўймади: фалончи қариндош тўй қилаяпти, у бизнинг фалон йили бўлган тўйда пистон нарса тўёна қилган, қарз дафтарида тиркалиб турибди, инчунун, қарзни қайтариш вақти келди. Шу пайт уйингизда бир нарса бўлсаку, хўп-хўп, бўлмаса яна қарз кўтарасиз-да.

Албатта, пулнинг сассиғига чидай олмай, бойлигини кўз-кўзлаш, бир мақтаниб қўйиш учунгина ким ўзарга донғи Доғистонга етадиган тўй қиладиган бойваччалар хусусида эмас гурунгимиз. Бундай одамлар ҳамма замонларда бўлган ва, насиб қилса, бундан кейин ҳам бўлажак.

Аммо, ачинарли томони шундаки, бугунги тўй мақомини, тўй даражасини аксар ҳолларда мана шу бир сиқим одамлар белгилаб бераётганлигини ҳам тан олайлик...

Баъзан тарих такрорланади, дейишса, тараққиётнинг спиралсимонлиги ҳақида гапиришса, ёинки «Янгилик — аслида унутилган эскилик» дейишса, дабдурустдан ишониш қийин туюлади кишига. Ҳарқалай, инсоният тамаддуни, илм-фан ривожи, шулардан келиб чиққан ҳолда, инсон онг-тафаккури ҳам мудом олға, таъбир жоиз бўлса, юксакликка интилаётгандай. Шундай экан, бир пайтлар босиб ўтилган босқични кўр-кўрона такрорлашдан бир маъно-мазмун топиш мушкул.

Аммо ҳаётда шунақаси бўлиб тураркан.

1963 йили устоз Абдулла Қаҳҳорнинг «Тўйлар муборак...» деган мақоласи эълон қилинган. Мабодо айнан шу мақола бугун чоп этилганда эди, шубҳасиз, жуда долзарб мавзу кўтариб чиқилган мақола сифатида эътироф этиларди.

Ҳолбуки, орадан қирқ йилдан ортиқроқ вақт ўтиб кетди. Замонлар, даврлар, дунёқарашлар ўзгарди, бироқ ўзбекнинг тўйи масаласида ҳамон эски ҳаммом, эски тос. Келинг, фикримиз далили учун иккита иқтибос келтирайлик. Биринчи иқтибос: «Қадимги бойлар тўйни мумкин қадар катта қилишар эди. Лекин бойнинг тўйни катта қилишдан, бир ҳафта, ўн кун ва ҳатто бир ой тўй беришдан мақсади, шубҳасиз, текин томоқ улашиш эмас, обрў орттириш, чунки пул сочиб орттириладиган обрўдан яна пул ясаш мумкин эди» (Жумладаги «эди» қўшимчасини олиб ташланг, «қадимги бойлар»ни «бугунги «янги» ўзбеклар» деб таҳрир қилиб кўринг-а...) Иккинчи иқтибос: «Ўғлининг тўйига етти ярим минг сўм сарф қилган 69 яшар бир чолни кўрдим. Чол тўйга атаб ёстиққа пул тиқиб юрган экан, тўйга яқин ўғлининг қўлидаги пулларни ҳам қоқиштириб олипти, 200 кило гуруч дамлаш билан тўйни бошлаб юборипти. Қуда томон ҳам, албатта «бир чол»дан қолишмасликка ҳаракат қилганлиги турган гап. Тўй ўтган ҳовлини, янги оиланинг рўзғорини кўрдим. Солинаётган икки уй, бир даҳлизнинг усти ёпилмай қолипти. Чол-кампир ўзлари турган уйни ёшларга бўшатиб бериб, ҳозирча токнинг тагида ётиб юришар экан» (Бу мисолга таҳрир ҳам деярли керак эмас, нари борса «сўм» ўрнига «доллар» деб ёзинг ва, қарабсизки, бундай «бир чол» шундоқ ёнингиздаги қўшнингиз ёки маҳалладошингиз эканлигини биласиз-қўясиз).



Бундан қирқ икки йил бурун ёзилган мақолани улуғ ёзувчимиз сўнгсиз бир армон ила тугатади: «Биз бу ерда тўйни **улуғвор ва чиройли** (Таъкид бизники — муаллиф) қилиб ўтказиш, уни ортиқча чиқимлардан бўшатиш тўғрисида гапирдик...»

Улуғвор ва чиройли тўй.

Ўзбек орзу қилган ҳақиқий тўйига бундан орттириб таъриф-тавсиф бериш мумкин эмас.

Таассуфки, буюк ёзувчимизнинг ушбу армони ушалмай қолди. Бильакс, ўзбекнинг тўйи тобора серчиқим, тобора дабдабали ва — ўзларини санъаткор атайдиган бир гуруҳ отарчиларнинг саъй-ҳаракатлари ила — очиқдан-очиқ беҳаёлик томошасига айланиб бормоқда.

Ҳаммамиз ҳам оталаримиздан, боболаримиздан эшитган чиқармиз. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида келин-куёвларнинг янгича, яъни «комсомол тўйлари» пайдо бўлган. Одамлар жуда қисқа фурсат ичида бундай тўйларнинг микёси ва спиртли ичимликлар микдори бўйича ҳатто бу хил тўйларни ўргатганларнинг ўзларини ҳам чангда қолдириб кетишди. (Бизда ўша пайтлари «оға» миллатнинг айрим урф-одатларини кўр-кўрона ўзлаштириб олиш мусобақаси авж олган шекилли, Абдулла Қаҳҳор айнан шу мақоласида «Ичкилик оралаган учта... таъзияда бўлганини» таъкидлаб ўтади!)

«Замонавийлик» ниқоби остида миллатга ёт урф-одатлар, қадриятларни кенг тарғиб қилишнинг ишончли воситаси... санъат бўлиб чиқди. «Ёр-ёр» филмида келин-куёвнинг ўпишиш саҳнасини эсланг.

Биз буни бир кино-да, деб юрардик.

Аммо саксонинчи йилларнинг охирларида Сирдарё вилоятида бир тўйда бўлганимизда, куёвнинг ичиб олган жўралари ногоҳ «Горко! Горко!» деб бақириб қолишса бўладими! Ҳайтовур, уч-тўртта оқсоқол аралашиб, илтимосу дўқ-пўписалар билан ўпишиш тарафдорларини бир амаллаб тинчитишди.

Худди шу вилоятда ўтган яна бир тўйда эса, бир қобил фарзанд ўзича отасининг пайғамбар ёшини нишонлаб элга дастурхон ёзди ва базмга... Тошкентдаги ресторанлардан бирининг ансамблини олиб келди. Тасаввур қиласизми, ярим-яланғоч қизлар шовқинли чет-эл мусиқаси остида столлар оралаб, меҳмонларга сўйкалиб, пул йиғиб юрибди...

Халқимиз санъатни, санъаткорни яхши кўради. Баъзи севимли қўшиқчи ёки актёр томонидан айтилган бир оғиз жумла мутлоқ ҳақиқат сифатида қабул қилинади.

Икки йилча бўлиб қолди. Қўшработ туманидаги бир тўйга бордик. Жанжал кўп бўлиши боис тўй кундузи ўтказиларкан. Тўйхонага яқинлашганимиздаёқ бир тўда маст-аласт йигитлару ёши катталар йўл бўйида астойдил ёқалашаётганининг гувоҳи бўлдик. Кўпчилик бундай жанжалларга ўрганиб қолган шекилли, парво ҳам қилмасди.

Тўйхонада эса... ўртани эгаллаб олган оломон чанг-тўзонга кўмилиб ўйнаб ётибди (агар буни ўйин деб аташ мумкин бўлса). Мусиқанинг аҳамияти йўқ, ишқилиб, бир нима эшитилиб турса бас.

Биз тўй раисига, шу ерда юрган оқсоқолларга кўчадаги жанжал хусусида гапиргандик, жавоб ҳайратланарли тарзда бир хил бўлди:

— Уруш-жанжал бўлмаган тўй тўйми?

Ёдингизга тушдими, бу ахир «Суюнчи» филмидаги чапани чолнинг гапи-ку!

Кўрдингизми, ҳатто ёқалашишни, безориликни ҳам оқласа бўларкан...

Аслида эса... аслида эса тўй тугагунгача бечора тўй эгасининг (агар элдан бурун ичиб, тўйиб олмаган бўлса) жони ҳалак, игнанинг устида ўтиргандай безовта, ишқилиб, тинч ўтсин, дейди. Шу сабаб унга тўй ҳам татимайди...

Ёдингизда бордир, бундан тўрт-беш йил бурун тўйларни кам чиқим, замон талабларига мос ўтказиш тўғрисида Президентнинг махсус Фармони эълон қилинган. Ана шундан кейин кўплаб таниш ижодкорларимизнинг ҳаяжонланиб: «Ана энди ҳаммаси зўр бўлади!.. Ўзбекнинг елкасига ҳам офтоб тегади!.. Умрини тўй ташвиши билан ўтказиб юбормайди!..» деганлари ёдимизда. Бироқ Фармондан сўнг сал тартибга туша бошлаган тўйлар бугун яна аввалги ҳолига, ҳаттоки ундан-да баттар аҳволга келганини кўриб турибмиз-ку.

Биз, албатта, янги замонда, янги ижтимоий муносабатлар даврида яшаяпмиз. Бугун ҳар бир инсон бой яшашга, топган маблағини истаганча сарфлашга ҳақли. Замонавий тилда айтсак, бу унинг шахсий иши.

Тўйлар масаласида ҳам шундай. Кимдир орзу-ҳавас қилган экан, қандини урсин, ниятига етсин.

Фақат тўйни шахсий иш деб ўйлаш гумроҳликдан бошқа нарса эмас.

Айниқса, қишлоқ жойларида, вилоятларда кўп кўрамиз — тўйга ёшяланг, болалар, аёллар гуррас-гуррас келишади. Текин томоша-да.

Бообрў меҳмонларнинг тўй эгасини кўкларга кўтариб, қадаҳлардаги ароқни «оқ» қилиб ичишни талаб қилишлари бир тараф, «азиз меҳмонлар» учун алоҳида ясалган стол атрофида ўтирган арбоблару бойваччалар ҳам, «оддий фуқаролар» столида ўтирган, балки тўйга қорнини тўйдириш учунгина келган меҳмонлар ҳам «қизиб олишгандан» сўнг шунақанги ғалати қилиқлар кўрсатиб қолиши бир тараф...

Энг ёмони — буни биз оддий ҳол сифатида қабул қиламиз. Тўй-да, деб қўямиз. Ўртакаш «Тўй тўйдек бўлсин» деб қичқирганларини эслаган бўламиз.

Ҳолбуки, бирники ўнга, ўнники туманга, деганларидек, асосий хулоса томошага келган кўп сонли болалар, аёллар, ўсмирларда кетганини ўйлаб кўрмаймиз. Демак, ичиш яхши экан, демак, ўртага чиқиб ўйинчи жувонга суйкалиш яхши экан, демак, ўйнаётганлар устига пул сочиш яхши экан...

Биз йиллар давомида шаклланган мана шундай хулосаларнинг аччиқ самарасини кўрмаяпмизми бугун?..

Шукрки, бу борада хўроз ҳамма жойда ҳам бир хил қичқирмас экан. Бир фурсат муқаддам Наманган туманидаги тўйда бўлдик. Мўъжазгина ҳовлида тахминан юз кишига шинамгина жой қилинган. Санъаткор йигитлар давранинг чеккасида ашула айтиб туришибди. Хоҳлаган одам бориб пул қистириб келаяпти. Энг асосийси — даврага рақкоса тушмади. Умуман, Наманганда тўйларга рақкоса таклиф этилмас экан. Буни кўриб, рости, қувониб кетдик. Рисоладагидек тўй қилса ҳам бўларканку...

* * *

Ҳар кимни тўйига етказсин...

Ҳақиқий тўйига: ўзбекона, камтарона, Абдулла Қаҳҳор орзу қилганидек, улуғвор ва чиройли тўйига етказсин.

Тўй тўйдек ўтсин.

Бунинг учун нима қилиш керак — ҳаммамиз биламиз. Аммо билганларимизга амал қилмаймиз. Наҳотки, сунъий равишда пайдо бўлган урф-одатлар, анъаналар биздан кучлироқ ва умрзоқроқ бўлса? Мана шуни тушуниш, англаш қийин кечаяпти...

Наҳот Абдулла Қаҳҳорнинг армони бизнинг ҳам армонимиз бўлиб қолаверади...

**Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ**

***Санъатимизнинг эстрада жанри хусусида не-не кўрсатув, чиқишлар, мақолалар ёзилмаган дейсиз. Балким бу ортиқча уринишдир? Билмадим, лекин шуниси аниқки, эстрада қўшиқчилигининг бугунги ҳолати кўпчиликни қониқтирмайди. Бунинг сабаблари унга нисбатан пайдо бўлаётган эътирозлар каби чексиздир.***

***XX асрда Ғарбда пайдо бўлган мазкур жанр 60-йилларга келиб юртимизда равнақ топа бошлади. Унинг тамал тошини қўйган Ботир Зокиров, «Ялла» гуруҳи, Муҳаббат Шамаева, Раъно Шариповаларни халқимиз ҳеч қачон унутмаса керак.***

Улуғбек ДОЛИЕВ

# ОХИРГИ БЕКАТ ХАВФИ

Ҳа, ўша мустабид тузумнинг миллатларнинг миллийлигини емириш эвазига «совет халқини» яратиш кампанияси даврида ҳам ўзбек эстрадаси ўз овозини сақлаб қололганди. У нафақат собиқ СССР ҳудуди, балки дунё сарҳадларига ҳам кенг парвоз қилганди.

Ҳали-ҳали эсимда. 1992 йил. Москванинг энг нуфузли «Россия» концерт залида «Ялла» гуруҳининг 20 йиллигига бағишланган юбилей концерти бўлиб ўтди. Зал турли миллат вакиллари, чет элликларга тўлиб кетган. «Ялла»нинг ҳар бир қўшиғи гулдурос қарсаклар билан қарши олинар, хонандаларнинг миллий либослари тингловчилар кўзларини қувонтирарди. Ўшанда ватандошларимнинг минглаб чақирим олисларда ҳам ўзбек эстрадаси ўз ўрни, нуфузига эга эканини намойиш қилганидан қалбим ғурурга тўлганди.

Инсониятнинг биринчи фазогири Юрий Гагарин, Россия қўшиқчилиги дарғаларидан Иосиф Кобзонларнинг Ботир Зокиров ҳақидаги ҳис-ҳаяжонли эътирофлари кўпчиликка сир бўлмаса керак.

Ҳа, бу ҳақда мушоҳада қилганда негадир кўпроқ ўтган замон феълини ишлатасан киши.

Ҳозир-чи? Эстрадамизнинг бугунги аҳволи қай даражада? Тўғри, Юлдуз Усмонова, Севара Назархонларнинг дунёга танилиб бораётганидан қувонасан. Лекин бу ҳол, демак, ҳаммаси жойида деган бамайлихотирликка асос бўлармикан?

Бугунги кунда эфирдан жой олаётган айрим куй-қўшиқлар, клипларни кўриб ҳайрон қоласан киши. Бу хонанда кечагина кўрсатув олиб бораётганди. Воажабо, истеъдодининг серқирралигини қаранг — қўшиқ куйлаяпти. Буниси эса кинода рол ўйнарди, энди у ҳам куйлаяпти. Бу жаноб эса ҳам куйлайди, ҳам рол ўйнайди. Ажабмаски, яқинда рақсга тушиб кетса...

Бу жаноб Майкл Жексон ҳаракатларига ошкора тақлид қилишни яхши кўради. Ҳозирча у дунё поп қиролининг ойдаги юриш (лунная походка) усулини ўзлаштиргани йўқ. Шунингдек, у қўлларини киндиги пасига йўналтирмаяпти ҳам. Уялаяпти шекилли. Ҳечқиси йўқ, яқинда шу, бефарқлигимиз бўлса, бундай ҳаракатларга ҳам кўникиб кетамиз.

Машҳур Брайн Адамс, Крис Келмининг бетакрор, ҳирқироқ овозини соғинган бўлсангиз, узоққа боришнинг кераги йўқ — марҳамат, ўзимизнинг юлдузлар буни қойилмақом қилишади.

Бу хонимнинг исми ҳам, қўшиқлари ҳам ўзбекча. Бўлажак юлдуз, (ахир у «Халқлар дўстлиги» саройида концерт бера олди — бу эталон-ку!) Лекин ўзбекча гапиролмайди, ёки XIX аср рус киборларига ўхшаб буни ўзига эп кўрмайди.

Бу хонима афандим эса ўзбек маънавиятида «инқилоб» қилмоқчи. XXI аср Жанна Д`Арки. Ишонмасангиз бундан икки йил олдин, халқ дея олмайман, омма орасида машҳур бўлиб кетган қўшиғидаги нақоратга эътибор беринг: «Сочимдан кўп ошиғим, сен бўлмасанг бошқаси»! Тасаввур қилинг: ўзбек қизи диди, талабига танлаган йигити тўғри келмай қолди. Қайғуришга не ҳожат?! Бири тўғри келмаса иккинчиси, бўлмаса учинчиси, бешинчиси, ўнинчиси... Ахир, соч толалари беҳисоб-ку.

Кейинчалик ана шу қўшиқнинг турк хонандаси ижросидаги вариантини кўриб қолдим. Қўшиқ «Артиқ севмаяжайим» деб номланарди.

Америкалик хонанда Стив Уандернинг «I just called to say I love you» (Мен фақат сени севишимни айтиш учун қўнғироқ қилдим) нақорати билан айтган қўшиғининг ўзбекча «ўзингмидинг» вариантини эшитиб ёқа ушлагандим. Куй бир хил, лекин қўшиқ маъносига эътибор берсангиз Стив Уандер тоғдан келса, бизнинг хонанда боғдан келади. Яхшиямки, америкалик хонанданинг кўзлари кўрмайди, бўлмасам бу ҳолатни кўриб, қай ҳолга тушиб қолганини тасаввур қилиш қийин.

Нималар бўляпти ўзи? Мақсад фақат экранда кўринишми ёки бу XXI асрнинг янги модасими?

Сохта обрў, тирикчиликважи наҳотки ўзбек куй-қўшиқчилигини мана шундай кўйга солиб қўяётган бўлса?

Кимдир юқоридаги эътирозни ўқиб, Мадонна-чи? — дейиши мумкин. Тўғри, лекин у олдин биттасини қойил қилиб, кейин иккинчисига қўл уради. Бу тўғрида кейинроқ гаплашамиз.

Айрим қўшиқларни эшитиб, унга сўз битаётган «шоир»ларнинг дастгоҳи бормикан, деб ўйлайсан. Балким компьютерда куй басталаш каби шеър ёзиш программаси ҳам тузилгандир? «Ўлдим, куйдим» каби сўзларни программага киритсанг бас, қарабсанки маҳсулот — шеър тайёр.

Бу каби шеърларнинг матни, маъносини кузатиб, беихтиёр бечора бразилиялик киноижодкорларга ачинади одам. Улар кечикдилар. Чунки бизнинг айрим фидойи «шоир», «композитор», «қўшиқчиларимиз» аллақачон «Клон»ларини яратиб бўлишган. Ишонмасангиз, экранга боқинг, радиога қулоқ тутинг.

Юртбошимизнинг янги парламентимизнинг очилиши чоғида журналистлар билан қилган суҳбати мағзини бир яхшилаб чақиб кўрайлик. Президент барчамизни миллийликни, миллий қадриятларимизни сақлаб қолиш, маънавиятимизни бизга ёт бўлган унсурлар «экспанция»сидан асраб қолишга даъват этганларида шу каби «бир қарашда оддий, кўзга кўринмас, аммо охири фожиа билан якун топажак» таҳдидларни назарда тутганлари аниқ-ку!

Енгил-елпи, асосан тақлиддан иборат куй-қўшиқ, беҳаё ҳаракатлар билан одамлар (асосан ёшлар) дилини бу каби «чархлаш» охир-оқибат кимнинг тегирмонига сув қуяркин?

Хорижий муаллифларнинг розилигисиз уларнинг куй-қўшиқларидан фойдаланиш бизга обрў келтирардими?

Юқорида эстрада жанри Ғарбдан (кино, театр, опера, балет каби) кириб келган, дедик. Ғарб эстрада тарихини кузатсангиз, у кўпгина босқичларни босиб ўтгани, бир неча йўналишларга ажраганини кузатасиз — поп, рок, оғир металл ва ҳоказо. XX аср охирига келиб унда Лотин Америкаси куй-қўшиқлари таъсири кучайган. Эсингизда бўлса, «Ламбада», «Макарена» каби қўшиқлар замонавий хитларга айланган. Кейинчалик Рикки Мартин, Женифер Лопес, Шакиралар кенг оммага танилди. Америка эстрада байроғини эса Майкл Жексон, Мадонна, Бритни Спирслар мағрур кўтариб турибдилар. Мен ер куррасининг бу қитъасига тўхталиб ўтганим сабаби, назаримда, улар эстрада жанрида (бир пайтлар ғарб киносида бўлгани каби) «сексуал инқилоб» даврини бошлаб бердилар. Кейинчалик бу марафонга австралиялик Кайла Минот ва россиялик хонандалар (биргина «Виа Гра» гуруҳининг «Анатомия» қўшиғини олиб кўринг) келиб қўшилдилар.

Ярим ялонғоч кийинишлар, сексуал ҳаракатлар бу ерда одатий ҳол бўлиб қолган. «Енигма» гуруҳи куй-қўшиқларини эшитсангиз, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

Хўш, бу билан нима демоқчиман? Назаримда, яшин тезлигида глобаллашиб, ўзгариб бораётган даврни ўз вақтида идрок қилиш, ундан хулоса чиқариш борган сари мушкуллашиб бормоқда. Шу ўринда, айниқса, дунёвий қадриятларга холисона ёндашиш, уларни теран англаш ҳар бир шахсга катта масъулият юкламоқда.

Юқорида Ғарб эстрадасида юзага келган салбий кўринишларга тўхталиб ўтдим. Албатта, бу шарқ, мусулмон маданиятида вояга етган инсоннинг фикри. Лекин бу номи зикр этилган хонандаларга берилган баҳо эмас. Менга Майкл Жексоннинг кўпгина қўшиқлари ёқади, бир пайтлар «Ламбада» қўшиғига мазза қилиб ўйинга тушганман ҳам.

Лекин бу бошқа халқ, бошқа менталитет куй-қўшиғи эканини ҳеч қачон унутмаганман. Шунингдек, мен тилга олган ўша «сексуал инқилоб» илдизлари, дейлик Лотин Америкаси халқлари маданиятига, керак бўлса, қадриятига бориб тақалишини ҳам яхши тушунганман. Биргина Бразилия пойтахти Рио Де Жанейрода ҳар йили ўтказиладиган «дунёнинг энг йирик» карнавалини олиб кўрайлик. Бир ой давом этадиган бу байрамда самба, мамба каби ўнлаб рақс гуруҳлари, минглаб раққос ва раққосалар беллашадилар. Ҳар хил маскарад либосларидан тортиб, деярли ялонғоч ҳолда, жозибали сексуал рақслари билан бош унвон — шаҳарнинг рамзий калитини қўлга киритишга ҳаракат қиладилар. Ҳа-ҳа, бизнинг онгимиздаги беҳаёликни улар маданият, қадриятнинг бир бўлаги деб биладилар.

Шуниси қизиққи, бу мавсумда тиббиёт ходимлари СПИД касаллиги авж олиб кетмасмикин дея ваҳимага тушадилар. Мана сизга қадрият!

Ҳа, бу олис Бразилия, уларнинг иши. Лекин менинг фарзандим бу каби «қадрият»ларнинг фарқига бормай, уларга кўр-кўрона тақлид қиладиган бўлса, демак, бу менинг ишим. Ахир, мен телевизор, радиони ўчириб, кабелни узиб, йўлдошли антенналарни улоқтириб, интернет кафеларни ёпиб қўёлмайман-ку. (Яқин ўтмишда бу каби бир томонлама ёндашиш жафокаш афғон халқини не-не кўйларга солганини эслаш кифоя). Демак, мен унга Ғарб маданияти бу аввало Данте, Гёте, Гюго, Моцарт, Бах, Чайковский эканини укдиришим, ўргатишим, Ғарб эстрадаси деганда унда Жо Дассен, Шарл Азнаур, Мирей Матье, Демис Руссос, Хулио Иглесиаслар ҳам борлигини эслатиб ўтишим лозим. Токи унинг қалби «Чўли Ироқ» куйидан жунбушга келмас экан, у ҳеч қачон Моцартнинг қирқинчи симфониясидан баҳра ололмаслигидан уни огоҳлантиришим керак.

Йўқса, у тобора чигаллашиб бораётган Давр лабиринтида йўқолиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу эса мен учун охирги Бекат, йўлим тугаб қолганлигини англатади.

---

Учрашув

# ҚИРҚ ЁШЛИ ШОГИРД

## УСТОЗНИНГ ТОРИ БИЛАН...

«... Бир куни радиодан ноёб овозни эшитиб қолдим. Кейин овоз соҳибини суриштирдим. Хоразмлик хонанда эканини эшитиб, у йигитни асраш, қадрлаш лозимлигини айтдим». Бу сўзларни машҳур санъаткор, бетакрор овоз соҳибаларидан бири Саодат Қобулова Ҳивада туғилиб-ўсган хонанда Фарҳод Давлетов ҳақида айтган.

Дарҳақиқат, Фарҳод қадим мақом ижроси талаб этадиган барча хислатларга, чиройли овозга, чуқур билимга, матн ва куйни юракдан ҳис қила билиш иқтидорига эга хонандалардан бири. Яна у Хоразм халқ қўшиқларининг моҳир ижрочиси, атоқли созанда, шоир ва бастакор Қурбон ота Исмоиловлар сулоласининг кенжа авлодидир.

Ҳар ҳолда, бундай аждодий машҳурлик Фарҳодга таъсир қилмай қўймади. У дастлаб таниқли хонанда Ортиқ Отажонов йўлидан борди ва устоз сифатида унга ихлос қўйди. Устозининг «Шўх-шўх ўйнар эдим», «Дилбар на қилай» каби қўшиқларини куйлаб мухлислар орттирди. Кейинроқ Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров,



Икромжон Бўронов ва Жўрабек Набиевларнинг ижро йўлларини ўрганди. Иқтидорли созандалар Мамарасул Матёқубов, Қўзибой Рўзметов ва Рустам Назаров билан ҳамкорликда ижодий гуруҳ тузиб, ўзига хос ижро услубини яратиш йўлида изланди. Натижада «Сизга таъзим» (Пўлат Мўмин), «Созим ёқимли» (Ошиқ Эркин), «Нозли дилдор боқишингда» (Зарифий) каби қўшиқлари дунёга келди.

Устозлар ўгити, устоз-шогирдлик анъанасига садоқат ўз самараларини кўрсата бошлади ва бирин-кетин «Бир келиб кетсун» (Ниҳоний), «Гулорингни ўп» (Эркин Воҳидов), «Кўнглимни билса шояд», «Байрам келиб» (Пўлат Мўмин) қўшиқлари Ўзбекистон радиоси фондига ёзиб олинди. Натижада мухлислари сафи анча кенгайди.

Лекин хонанданинг ижодий ютуқларини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи, унинг имкониятлари кўламини намоён этувчи жиддий синовлар ҳали олдинда эди. 1987 йил хонанда ҳаётида ана шундай воқеаларга бой сана сифатида алоҳида муҳрланиб қолди. Шу йили у дастлаб Тошкентда ўтган мақомчиларнинг II республика кўрик-танловида қатнашди. Танлов шартларига кўра «Чапандози Гулёр», VI сувора ва «Савти сувора» ҳамда «Тани мақоми Сегоҳ таронаси»ни юксак маҳорат билан ижро этиб, кўрик ғолиби бўлди.

Дастлабки муваффақият хонандани жиддий изланишларга чорлади. Репертуари «Эшвой», «Насруллойи», «Чоргоҳ», «Талқини наво» каби мумтоз ашулалар билан бойиди.

Фарҳод Давлетов ижодидаги иккинчи синов ҳам 1987 йилга тўғри келди. Фақат буниси Урганч шаҳрида содир бўлди. Ўшанда биринчи марта Комилжон Отаниёзов қўшиқларининг энг яхши ижрочиси Республика кўрик-танлови ўтказилди. 200дан ортиқ хонанда бу тадбирда қатнашиш иштиёқини билдирди. Ҳайъат раиси, Ўзбекистон санъат арбоби Матниёз Юсупов иштирокчилар қўшиқларини миллий чолғу жўрлигида фонограммасиз, микрофонсиз ижро этишлари лозимлигини айтганда, иштирокчиларнинг аксарияти дастлабки босқичдаёқ танловда қатнаша олмасликларини билдирдилар.

Уч босқич шартларини муваффақиятли бажариб, энг юқори баҳога сазовор бўлган Фарҳод Давлетов танлов шартига кўра Комилжон Отаниёзов тори билан қўшиқ айтиш бахтига мушарраф бўлди.

Қирққа қадам қўйганида Фарҳод аллақачон ўзига хос ижрочилик услубини ярата олган, ранг-баранг репертуари ва сайқалланган овози билан мухлислар ардоғига сазовор бўлганди. Шунга қарамай, малакасини янада ошириш ниятида Ўзбекистон халқ ҳофизи Рўзмат Жуманиёзовга шогирд тушади. Устоз ижросидаги мураккаб ва ўта нозик овоз йўналтиришларни, авж пардаларда гўзал ва нафис хонишларини кузатади, ўзида янги-янги кўникмалар ҳосил қилишга эришади. Матн танлаш, бўғинга ажратиш, ҳатто ҳарфлар талаффузига заргарона ёндошиш сирларини кунт билан ўзлаштиради.

Ф.Давлетов ўзи ўқиб-ўрганиш билан чекланиб қолмай, устоз-шогирдлик анъанасини давом эттириб, иқтидорли ёшларга мураббийлик қилади. Мумтоз қўшиқлар ижрочиси Шокир Бобожонов, умидли хонанда Мақсудбек Матниёзовлар устозлари изидан дадил қадам ташлаб изланмоқдалар. Айниқса, устозининг суюкли шогирдларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Оғабек Собиров миллий қўшиқчилигимизда ўзига хос ижро усули яратиб мумтоз ашулаларга умрбоқийлик бахт этиш йўлида изланишларини самарали давом эттиряпти.

Кези келганда хонанданинг Раҳматжон Қурбонов билан ижодий ҳамкорлиги ҳақида тўхталмоқчимиз. Бу икки тенгдош хонанда бошланғич мусиқа маълумотини Хива шаҳар мусиқа мактабида олганлар. Фақат Раҳматжон катта саҳнага олдинроқ қадам қўйган. Улар тез-тез ижодий суҳбатлар қуриб, айтишувларда қатнашиб, бир-бирига устоз, бири-бирига шогирд тарзида ижодий изланишлар олиб борадилар.

Агар Фарҳод Раҳматжон Қурбонов номини устозлари қатори ҳурмат билан тилга олса, ўз навбатида Раҳматжон «Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмас» дея Фарҳоддек дўсти борлигидан Яратганга шукроналар келтиради.

200 йили Хива шаҳридаги ўтган Ф.Давлетовнинг яккахон концерти том маънода мақом кечасига айланганини, томошабинлар билан очиқ мулоқот ва савол-жавоблар ижодий фаолиятида муҳим аҳамият касб этганини хонанда марок билан эслайди. Шу концертда илк бор Хоразм «Дугоҳ» мақоми туркум шаклида мухлисларга тақдим этилди. Мухлислар хонандани олқишларга кўмиб ташладилар.

Бундай эътирофга Фарҳод фақат яхши овози ва ижроси билангина эмас, зукколиги, юксак дид-фаросати билан ҳам эришди. Зеро, у қўшиқ матнини тингловчига соф адабий тилда, тўғри талаффузда юксак маҳорат билан етказиб бера олади. Бундай юксак натижага эришиш учун эса ҳофиздан мумтоз шеъриятни тушуниш, матнларни асл манбалардан ўқиб-ўрганиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам Ф.Давлетов Навоий, Фузулий, Бобур, Машраб, Нодира, Увайсий, Огаҳий, Феруз ва бошқа мумтоз шоирларнинг ғазалларини мутолаа қилишдан чарчамайди.

Бугун шевада қўшиқ айтишга, ҳатто шевада шеър ёзишга берилиб кетаётган ижодкорлар Ф.Давлетовга ўхшаш санъаткорлардан ибрат олсалар зиён қилмасди. Бинобарин, шевачиликка ҳаддан зиёд берилиш тингловчи дидини ўтмаслаштиришга, савиясини пасайтиришга «хизмат» қилади.

Ҳозирги кунда Фарҳод Давлетовнинг чет элларда ҳам мухлислари бор. У Голландия ва Корея мамлакатларида муваффақият билан концертлар берди. Қозоғистонда ўтган Ўзбекистон маданияти кунларида мумтоз қўшиқларимизни муносиб тарғиб қилгани учун «Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист» унвони билан тақдирланди.

Айни пайтда ўғли Севдиёр пойтахтимиздаги махсус мусиқа лицейида таҳсил оляпти. Унинг лицей саҳнасидаги яккахон чиқишларидан устозлари мамнун. Телевидениенинг «Хониш» кўрсатувида Раҳматжон Қурбонов имтиҳонидан ўтишга муваффақ бўлди.

Ҳар ҳолда, эндиликда Ўзбекистон халқ ҳофизи Фарҳод Давлетов кўнглини тўқ қилишига етарли асос бор. Унинг олдида иккита масъулиятли вазифа турибди. Аввало, ҳофиз мусиқамиз гултожи мақомларни халқимизга асл ҳолида қайтариш йўлидаги изланишларни давом эттиради. Қолаверса, ҳам ота, ҳам устоз сифатида бўлғуси ҳофиз Севдиёрни тарбиялаб вояга етказиш унинг бурчидир.

Бу хайрли юмушларни бажаришда ҳофизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Давлатназар ЮСУПОВ

---

Ёдмома

# У ҲАММАНИ ЯХШИ КЎРАРДИ

«Санъатни севиш керак. Санъатни севган киши, албатта, одамларни яхши кўради. Уларнинг дардкашига айланади. Чунки санъат қалбни мусаффо қилади», дер эди Рўзи Чориев. Машҳур рассомнинг оламдан ўтганига ҳам, мана, бир йилдан ошди. Аммо рассом уни яқиндан таниган, ҳамсуҳбат бўлганлар учун худди тирикдай. Уни билганлар «Рўзи аканинг кулиб турган қиёфаси ҳеч кўз олдимдан кетмайди» дейишади.



Нега шундай?

Нима учун кўп кишилар вафот этгач, тезда унутилади? Уларни ҳатто, қавм-қариндошлар ҳам онда-сонда эслашади? Нега Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Юнус Ражабий, Шукур Бурхон, Чингиз Ахмар кабилар номи унутилмайди? Шунинг учунки, бу ижодкорлар санъат, адабиёт учун фидойилик қилиб, кишиларга ҳамиша маънавий озиқ берувчи асарлар яратишган. Улар одамларни чин меҳр билан дилдилидан яхши кўришган. Шу боисдан барҳаётлар.

Рўзи ака ҳам ҳаммани чин дилидан яхши кўрарди. «Меҳрибонлик уйлари»даги кўнгли ярим болаларни «укам», «синглим» деб эъзозларди. Шундан унинг чоғроққина устахонасидан одам аримасди. Кўчада юрганида ҳам, тўй-ҳашам, маросим, йиғилишларга борганида ҳам уни одамлар ўраб олишарди. У оҳанрабодай ҳамма жойда одамларни ўзига тортарди. Унинг турли-туман ашқол-дашқоллар тўзиб ётган, бетартиб устахонасига ижодкорлар ҳам, амалдорлар ҳам, олис тоғ қишлоғидаги чўпонлар ҳам, талабалар ҳам бемалол келаверишарди. Рўзи ака уларни, таниса-танимаса, қучоқ очиб кутиб оларди. Асарларини кўрсатарди. Меҳмонлар борлигига парво қилмасдан чизишда давом этаверарди. Ишлаётганида баланд овозда қўшиқ ҳам айтарди. Устбоши, қўлларига мойбўёқ чаплашган рассомнинг бу қилиғи ҳеч кимга малол келмасди. Аксинча, болатабиат соқолдор рассомнинг ишлашини кузатиш уларга завқ бағишларди. Рўзи ака ўзининг алланимаси билан кишиларнинг кайфияти, руҳиятини кўтарарди, дардини оларди. Аммо у ўзининг дардкашлигини билмасди. Суҳбатлашганлар эса унинг бу хусусиятини дарҳол пайқашарди. Кайфияти тушиб, дунё кўзига қоронғи кўринган кезларида кўпгина ижодкорлар, талабалар, турли касб эгалари беихтиёр Рўзи аканинг олдига келишарди. Рассом олдига одамлар қанча кўп келса, шунча хурсанд бўларди, «очиларди». Борини одамлар билан баҳам кўрарди. Сўнгги чақасигача аямасди. Асарларини совға тариқасида улашиб юбораверарди. У бу ишларни ҳеч бир оғринмасдан қиларди. Унинг самимийлиги, одамларни беҳад яхши кўриши ҳамиша кулиб турадиган юз-кўзидан билиниб турарди. Етимликда ўсиб, ҳаётнинг кўп машаққатларини, очлик, юпунликни обдон кўрган бу рассомнинг юзлари тиниқ, кўзларидан нур ёғилиб турарди.

Рўзи аканинг тўзғиб ётган узун сочию соқолдор юзи, чақнаб турадиган кўзларида кишиларни жалб этадиган аллақандай жозиба бор эди. У одамлар тасаввурида ўзининг бетакрор асарлари билангина эмас, ташқи кўриниши билан ҳам рассомларнинг ўзига хос рамзига айланган эди.

Рўза ака чумолига ҳам озор бермасди. Бир марта боғида ер чопаётиб, чувалчангни ўлдирганини айтиб, эзилиб йиғларди. Шунинг учун уни билганлар «бола феъл» деб айтишарди. «Сиз болага ўхшайсиз» дейишганида ҳеч ранжимасди. Кулиб тураверарди. Уни ҳамма «юртнинг боласи» дерди. Бу рассомнинг нигоҳларида одамларнинг дилидаги оғриқни оладиган алланимадир бор эди. Афсуски, бу энди биляпти.

«Ҳаёт ғам-ғуссага тўла. Уни қувончга тўлдириб яшаш керак. Ҳамма бир-бирини, дунёдаги ҳамма нарсани яхши кўриши, севиши шарт. Одамлар бир-бирларига дардкаш бўлиши, қувонч улашиши, борини бирга баҳам кўриши шарт» дерди рассом. Кишиларнинг суратларини ихлос билан чизарди, уларнинг ички дунёсини ёркин гавдалантирарди. Юзлаб замондошларининг қалб дунёсини, изтироб, оғриқларини матоларга «муҳр»лаб қолдирди. Рассомнинг «Қария», «Ботир Зокиров», «Механизатор Тошевлар оиласи», «Чўпон», «Най чалаётган бола» сингари асарлари қаҳрамонлари кўнгилга ёруғлик бахш этади. «XX аср Хомери» — Расул Ҳамзатов портретига қараган киши дарди ичига сиғмай яшаган улкан шоир билан суҳбатлашаётгандай бўлади.

Рўзи аканинг асарлари ҳам худди ўзи каби «дардкаш», таъсирчан бўлгани боис дунёнинг кўплаб мамлакатларидан ихлосмандлар орттирди. АҚШ, Россия, Германия, Франция, Италия каби қатор хорижий давлатларнинг нуфузли музей, галереялари, шахсий коллекциялари тўридан жой олди. Ўзбек тасвирий санъатининг дунёда эътибор топишига рассом асарлари муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Рўзи ака тасвирий санъати беҳад юксалган италянларни ҳам қойил қолдирган, уни ўз шаҳарларининг фахрий фуқароси қилиб олишган эди. Рассом санъатга беҳад меҳр қўйгани, одамларни, бутун борлиқни болаларча беғуборлик билан севгани, Худо унга беқиёс истеъдод ато этгани учун шундай ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлди.

Рўзи Чори ҳамма ҳурмат билан эслайдиган ноёб одамлар сирасига киради. У рассом сифатида энг кўп асар яратди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида кўргазмалар ўтказди. Мамлакатимизда асарларининг ўн тўртта (!) галереясини ташкил этди. Уни бошқа миллат кишилари ҳам бирдай яхши кўрарди. Чунки у ҳаммани яхши кўрарди.

Абдулла УЛУҒОВ



*Суратда: Рўзи Чориев (ўнгдан иккинчи) ижодкорлар даврасида. 1980 йиллар.*

---

Ҳунардан унар

# ЗАРГАР

## Ўзбекистон халқ устаси, заргар Фасиҳиддин Дадамуҳамедов ижодига бир назар

Гўзал зебу зийнат қиз-жувонлар, аёллар ҳуснига ҳусн қўшади. Юксак дид билан ишланган ва танланган зебу зийнат буюмлари ҳусну малоҳат соҳибаларига узукка қўйилган кўздек ярашади. Шундай зебу зийнатлар ижодкори эса зарғарлардир.



Ҳикоямиз қаҳрамони Фасиҳиддин Дадамуҳамедов ҳам қўли гул заргарлардан. У Тошкентнинг Бешёғоч гузарида, оддий ишчи оиласида туғилган. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ тасвирий санъатга қизиқиб расмлар чизарди. Рассомликка ҳавас қилиб Театр ва рассомлик санъати институтига ўқишга кирди. Бу даргоҳда тасвирий санъат сирларини кунт билан ўрганди.

Фасиҳиддин институтни тугатиб, Санъат музейида ишлай бошлади. Бу даргоҳ нафақат санъат кишиси, балки ҳар бир зиёли учун ҳам маънавият маскани ҳисобланади.



Фасиҳиддин Дадамуҳамедов Амалий санъат музейида ишлаётганда бу даргоҳдаги санъат асарларини кунт билан кузатар ва ўрганар экан, кўпроқ заргарлик асарларига қизиқиб қолди. Беихтиёр ўзида ҳам шундай заргарлик буюмлари тайёрлашга иштиёқ уйғонди. Албатта, уста кўрмаган шогирдга аввалига анчагина қийин бўлди. У маслаҳат сўраб мўъжаз расмлар устаси Ниёзали Холматовга мурожаат қилди. У сидқидилдан ёрдам берди.

Заргарлик санъатини эгаллаш кишидан сабру тоқат, ўз касбига самимий муҳаббат, кўз нури ва тинимсиз меҳнатни талаб қилади.

Заргарликнинг ўзига хос сир-асрорларини сабру бардош билан ўрганган ёш заргар тез орада ишлари билан турли даражадаги кўргазмаларга қатнаша бошлади. У уста заргарларнинг ишларидаги шарқона нақшлардан фойдаланди. Шакл ва рангларнинг мутаносиблигига алоҳида аҳамият берди. Кўп ўтмай мухлислар назарига тушди.

Бир вақтлар заргарликка доир ишларга санъат асари сифатида қаралмагани боис соҳа яхши ривожланмаган, кўпроқ буюртмачиларнинг диди билан иш кўрилган. Шунинг учун ҳам Фасиҳиддин ўз ишига санъат асари сифатида ёндашишга ҳаракат қилди. Тинимсиз изланди. Натижада ижоди намуналари билан 1987 йили Польша пойтахти Варшавада ўтказилган «Барҳаёт анъаналар» кўргазмасида муваффақиятли қатнашди. Бу эса янги ижодий изланишу парвозларга туртки бўлди. Орада яна қанчадан қанча кўргазмаларда қатнашиб совринлар олди. 1990 йили Санкт-Петербург шаҳридаги этнография музейида шахсий кўргазмасини ташкил қилди. Йигирмадан ортиқ иши шу музей мулкига айланиб, мунтазам намойиш этиб келинмоқда. 1998 йили «Ўзбекистон халқ устаси» деган юксак унвонга сазовор бўлди.



Камтар ва камсуқум санъаткор Ф.Дадамуҳамедов яқинда 50 ёшини қаршилади. Ўғиллари ҳам ота изидан бормоқда. Учинчи ўғли Талъатбек 2001 йили «Энг ёш қўли гул уста» Республика кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритди. Фасиҳиддин Дадамуҳамедовнинг бир-биридан гўзал ижод намуналаридан ҳайратланиб, «қўлингиз дард кўрмасин, уста», деймиз.

Бобониёз ҚУРБОНОВ

**Жуманиёз ЖАББОРОВ**

## ҚАЙНОНАЛАР АРЗИ ҲОЛИ

— Келин олдик, айланай, бир меҳрибон, бир яхши,
Ҳусну ақлини айтинг, зеб шу-да келинчакка.
Пазандаю қўли гул, оила кўрки, нақши,
Яна денг, уста экан бол йўғрилган чак-чакка.



— Омадингиз бор, овсин, минг яшасин аввало,
Тезда кунингиз қолсин бир яхши беланчакка.
Биз ҳам келин туширдик... ҳамма томондан аъло,
Фақат битта айби шу... уста чиқди чакакка.

## ИККИ ЛОФЧИ

Ўз ҳунару санъатига этмайин зарра хилоф,
Кенг даврада икки лофчи қишлоғидан урди лоф.

Бири деди: — кеча шундоқ қор ёғди бизнинг ёқда,
Бундай қорлар фақаттина ёғар бизнинг қишлоқда.

Яъни ёға-ёға бўлди осмон билан баробар,
Бундай қорни пайғамбар ҳам кўрмагандир, биродар.

Қор уюми Тиёншону Помирдан бўлди улуғ,
Қишлоқдаги бор парранда, жамийки хўроз-товуқ

Дон ўрнига чўққисидан юлдуз чўқиб, тўйдилар,
Мана буни қор дейди деб, қақағлашиб қўйдилар.

Ул лофчи ҳам гапни ютмай, жавобда кўнгли ийди:
— Бундай қорни бизнинг қишлоқ:
— қиров тушибди, дейди.

## ОҒИР ҚУЛОҚ

Арзи ҳол ёзган эдик
Жаноб Эшматўпга,
Гўё дарди дилимиз
Изҳор этибмиз чўпга.

Шунча оғир қулоқким,
Сўзингга «қилт» этмагай,
Парво қилмагай агар
Солиб отсанг-да тўпга.

Десангиз: бир ўтсангиз,
Маҳаллада гаплар бор.
Дейдики: тоқатим йўқ
Ҳар турли талотўпга.

Шифтга қараб сўзлар гоҳ,
Доною вазмин бўлиб,
Тушунмаганлар уни
Ўхшатур файласўфга.

Гоҳо қизишиб кетар,
Асаби қўзғаб бирдан,
Бекорга айтмадилар:
Ғирт бориб турган «Ўпка!»

Қолмоқ эл назаридан
Оғир жазодир, билмас,
Шу кетишда ўзи ҳам
Энди бормайди кўпга.

## ЧУҚУР ТУШУНИШ

Лайли ва Мажнуннинг оғир қисматин
Бир киши тун бўйи этди ҳикоят.
Сўнг дўстин фикрини билмоқ истади,
Шундай жавоб олди охир-ниҳоят:

— Ғоят оғир экан. Минг ўйга толдим,
Мени чулғаб олди кўп даҳшат хаёл.
Фақат бир нуқтасин англамай қолдим,
Лайли эркакмиди ё Мажнун аёл?!

## АВВАЛ ВА ҲОЗИР

Авваллари чиройли қизлар
Шоирларга шўх қарашарди.
Шеъриятни севаман деса,
Ул қизларга кўп ярашарди.

Энди... қизлар бозорчиларни
Севаман деб, этадилар аҳд.
Ё терговчи ё солиқчининг
Ёри бўлиш эмиш катта бахт.



## Ҳажвия

Ҳотам Хуррамов яхши ходим бўлгани билан сал тўқимтабиат одам. Айтишларига қараганда, шу ерда ишлаётганларига қирқ йилдан ошибди.

Кеча Ҳуррамовни Эгам Рабиевич чақирибдилар. «Сиз шу соҳанинг пирларидансиз — суягингиз шу ерда қотган. Хўп десайиз, сизни мукофотга тавсия этмоқчимиз. Бир-иккита жой билан гаплашдим, улар ҳам сизни маъқуллашди, — дебди Эгам Рабиевич уч қаватли бақбақасини қашиб. — Ҳозир шундоқ чиқинг-да, адлкадр Ҳамрохонга учрашинг, у сизга анкета тўлдиради... Яна бир гап — пака буни биров билмасин...»

Ҳотам Хуррамов шошиб қолибди.

— Мани ҳурмат қилибсиз, сизни Худо ҳурмат қилсин. «Пака» деяпсиз, кейин оғизга тушса сизга гап тегиб юрмасин. Яхшиси, местком раиси Қодирқулни...

— Қодирқул! Қодирқулингизни қўйинг, яқинда Чимёнда ўйнаб келди. У ҳали ёш, мукофот олишга улгуради. Гал ҳозирча сизники!

— Буғолтиримиз Умрияхон-чи? Саккизта боласи бор,ишга мендан бир йил олдин кеган...

— Қанақасиз ўзи, Ҳотам ака! Биров бераман деса, ноз қиласиз-а! Нима, масъулиятидан қўрқаяпсизми ё?..

Хуллас, Эгам Рабиевич Хуррамовнинг кўнглини тоғ қилиб, кадрлар бўлимига чиқариб юборибди. У лапанглаганча Ҳамрохоннинг олдига борса, Ҳамрохон тоғдай кўнгилни «талқон» қилибди-қўйибди. Ўрталаридан нима гап ўтган, ҳеч ким билмайди.

Ҳамрохон жиғибийрон — хонама-хона кириб, нуқул: «Мен ортиқча савол берганим йўқ. Анкетада борини сўрадим, холос. Отаӎ тенги одамнинг гапига қаранглар — мен эрсираб қолган эмишман!» дея жавраётганмиш. Ҳамма ҳайрон: Ҳотам Хуррамов Ҳамрохонга нега бундай деган?..

Бу жумбоқ Эгам Рабиевичнинг «сир»ини фош қилди. Яъни Хуррамовнинг мукофотга тавсия этилаётганини кўпчилик билди. Табиийки, гап Эгам Рабиевичнинг ҳам қулоғига бориб етди ва тушдан кейин Хуррамов билан Ҳамрохонни хонасига чақирибди.

— Мен сизга нима деган эдим? — Бошлиқ биринчи бўлиб Хуррамовни зуғумга олган. — Пака ҳеч ким билмасин, дегандимку? — Хуррамов бошини қимирлатиб қўйибди. — Бошқалар нима деб ўйлайди энди! Бошлиқ бизлардан гап яшираркан, дейишмайдими? — Сўнг Ҳамрохонни ўрнидан турғизибди. — Ҳа, синглим, сизга нима дард тегди? Оғзингизга маҳкам эдингиз-ку!

— Мен ҳалиям оғзимга маҳкам, — дебди Ҳамрохон тўлиб турган ўпкасини бўшатиб. — Кап-катта одам менга туҳмат қилиб ўтирибдилар.

— Қанақа туҳмат?

— Мен... ҳалиги... эрсираган




Илҳом ЗОЙИР

эмишман.

— Нима, нима! — Эгам Рабиевич ўрнидан сакраб турибди. — Ким ўйлаб топди буни? Қайси бир хотинбоздан чиқди бу гап?

— Мана бу кишидан, — Ҳамрохон боши билан Ҳотам Хуррамовни кўрсатибди.

— Бу нима гап! — Эгам Рабиевич бошини чангаллабди. — Мен сизни маданиятли, хотин-қизларни ҳурмат қиладиган олижаноб киши деб юрсам, ҳали бунақа салбий хусусиятларингиз ҳам бормиди? Синглимизни нега бунақа деб ҳақорат қилдингиз? Эрсираганини қаёқдан биласиз?

— Гап биринчи ундан чиқди, — дебди ҳали бирорта ҳам саволга жавоб бермаган Хуррамов Ҳамрохонни кўрсатиб. — Менга «эркакмисиз?» деди. Ҳамиятимга тегди-да! «Эркак, эркак эмаслигимни кўрмаяпсанми! Эрсираб қолган, банда!» дедим жаҳл устида. Сизгаям биров лўп этиб шундай десин қани, нима деяркансиз!

Ҳотам Хуррамовнинг бу гапи «мени ўрнимга ўзингни қўйиб кўр-чи», деган маъно беради-да. Шу боис Эгам Рабиевич ноқулай аҳволда қолибди.

— Шу ростми? Шу гап сизнинг оғзингиздан чиқдими, Ҳамрохон?..

— Рост, — дебди Ҳамрохон ер чизиб. — Лекин, мен...

— Ўзиздан ўтканакан-да, синглим, — Эгам Рабиевич тик тургани эсига тушиб, қайта ўтирибди. — Эркак кишига унақа демайдилар, синглим. Тем боле, аёл тўес, ҳали қиз боласиз... Ҳар қандай эркак ёмон хаёлга бориши мумкин-да... Сиз бўсайиз, Ҳотам акани беноват қилиб ўтирибсиз...

Ҳамрохоннинг хўрлиги келиб турса-да, кўзёшига зўр беришдан фойда йўқлигини англаб етибди.

— Эгам ака, мен бу гапни ичимдан чиқариб айтмадим, — дебди Ҳамрохон дадил-дадил. — Анкетада шунақа савол бор. Шунга асосланиб...

Эгам Рабиевичнинг юзига билинар-билинмас кулги ёйилибди. У устки лабини бир-икки бор сўриб, дебди:

— Анкетада шунақа савол бор эканми?

— Бор! — дебди Ҳамрохон ютиниб. — «Жинси: эркак, аёл», деган жой бор-да, Эгам ака. Мен ичимдан тўқиганим йўқ-ку!

— Гап буёқда денг, — дебди Эгам Рабиевич кулиб юбормаслик учун оғзининг икки четини бош ва кўрсаткич бармоғи билан тутиб. — Саволни бошқача қўймабсиз-да, сизам. Кимсиз, деса... Э, бунисиям хунук эшитиларкан. Ўзи эркаклардан кимлигини сўраш шартмикан! Эркак — эркак-да! Шу жойини ўзингиз тўлдириб қўймабсиз-да, Ҳамрохон. Ҳотам аканинг эркаклигини биласиз-ку, юз-кўзи айтиб турибди.

Эгам Рабиевич иккаласини муросага келтириб чиқариб юборибди.

Айтганча, можарога сабаб бўлган «Анкета» тўлдирилиб тегишли жойга юборилган. Ҳозирча натижаси номаълум бўлса-да, лекин бир гап маълум: мукофотни олган куни «эркакчасига ювамиз» деяптилар Ҳотам Хуррамов.

## Дунё — кенг...



### ХОСИЯТЛИ ЖОЙЛАР

**Одамлар орасида яхшиси ва ёмони бўлганидек, сайёрамизда ҳам хосиятли ва хосиятсиз жойлар бор. Бир пайтлар хосиятли жойларга бориб тавоф қилишни, дардга шифо тилашни хурофотга йўйиб таъқиқлашган эди. Аслида Ер юзида кишиларга алоҳида қувват, куч, шифо ва яшашга иштиёқ, илҳом ато этадиган қутлуғ жойлар мавжудлиги аллақачон эътироф этилган.**

Мексикадаги ва Мисрдаги эҳромлар, Британиядаги Стонхенж ёдгорликлари ана шундай масканларда бино бўлган иншоотлар сирасидан. Айрим урф-одат қоидаларини адо этиб, бундай жойларда киши ўз талантини ривож топтириши, ўзига мерос бўлиб ўтган «ёмонлик»лардан қутилиши, касалликлардан халос бўлиб, қисматини яхши тарафга ўнглаши мумкин, дейди мутахассислар.

Инглиз мутахассисларининг кузатишларига қараганда, Ер юзидаги бундай жойлар муайян бир чизиқда жойлашган экан. Олимлар Англияда элликтача ана шундай «қувват манбаи»ни аниқлашган. Тадқиқотлар давомида бу жойлар харитада Шарққа қараб давом этгани кузатилган. Айни шундай маконларни туташтирганда тортилган чизиқ Германиядаги Рюген ороли устидан ўтган. Бу орол жуда кўп немис мутафаккирлари, файласуф, шоир ва мусаввирларининг илҳом олувчи макони бўлган.

Бундай мўъжизакор масканлар Россияда камида олтита, деб ҳисоблайди мутахассис Б.Сочеванов. Булар орасида Кижи деган жой маҳаллий аҳоли орасида ҳали ҳам «сирли қуввати» билан машҳур экан. Қишлоқ қарияларининг эътироф этишича, касалликка дучор бўлган кишини улар шу жойга элтар ва бемор бу жойда бир оқшом тунаб, дардига шифо топиб қайтаркан. Соловкида қадимги келтлар томонидан қурилган бинолар ичида ҳам одам организми ҳолатини яхшилайдиган «шифобахш қувват» мавжудлиги кўп бор тасдиқланган. Масалан, қон босими кўтарилишидан азоб чеккан киши бу бино ичида ўн-ўн беш минут давомида тўла ором топар — қон босими нормага тушиб, вужуди куч-қувватга тўларкан.

### ҚИШ ҚАҲРИГА БАСМА-БАС

**Америкалик фуқаро Жинн Хиллард қиш қаҳрини ғайриихтиёрий тарзда бўлса-да, ўз танида синаб кўрди. Инсон организмининг бардоши, унинг бошига тушган синовдан кейин, ҳайратланарли натижаларни кўрсатди.**

Автомобил ҳалокатига учраган Ж.Хиллард ҳушини йўқотади ва саккиз соат мобайнида қорда қолиб кетади. Касалхонага олиб келингач, врачлар унинг ҳароратини ўлчамоқчи бўлишади, бироқ 31 градус совуқни кўрсатадиган термометр топилмайди.

Аёлнинг юраги минутига 6-8 марта уриб турганини аниқлаган шифокорлар унинг яшаб қолишига ишонишмайди. Бироқ мўъжиза рўй бериб Ж.Хиллард соғайиб кетди, деб хабар беради «Феномено паранормале» журнали.

Медицина тарихида олдин ҳам «музлаган одам»ларнинг соғайиб кетгани, ҳатто тана ҳарорати 32-28 даражагача совуган кишилар гапиргани, ўз оёқлари билан юргани қайд этилган.

### РЕКЛАМА ЖОЙ ТАНЛАМАЙДИ

**Жоржия штатида истиқомат қилаётган Элис Хари кимошди савдосида ўзининг қорнини реклама бериладиган жой сифатида савдога қўйди.**

Қизиғи шундаки, Э.Хари иккинчи фарзандига ҳомиладор, яқин кунларда кўзи ёришини кутаётган эди. Ундан реклама учун қорнини савдога қўйганининг сабаби сўралганда, ёлғиз ўзи икки фарзандини тарбиялашда қийинчиликка дуч келишини, рекламадан тушадиган фойда болалари тарбиясига асқотишини айтди.

Унинг қорнини рекламага «ажратгани» тасодиф ҳам эмас. Яна бир америкалик Эндри Фишер манглайини реклама учун сотиб, йигирма минг доллар ишлагани Э.Харини шу йўлда пул топишга илҳомлантирган.

## ОНА ТИЛИМ

Она тилим — жони дилим,
Бойлигимдир бебаҳо.
У билан бурро тилим
Она тилим — нур-зиё

Жаҳонга очиб эшик,
Дўстга ёзаман қанот.
Онам тебратса бешик,
Янграр қадимий баёт.

Эл аро ёруғ юзим,
Ғурурим осмон қадар.
Жарангдор айтар сўзим,
Тан олган борлиқ — башар.

Тилим — меҳр булоғи,
Ҳаёт файзи у билан
Ўлма, ўчмас чироғим,
Суянч, мадорим теран!

## ДЎСТ ИЗЛАЙДИ БЎРИ ҲАМ

Эй, болалар, бўри ҳам
Дўст бўлишни истайди.
Ўрмонда, чангалзорда
Аёзларда қишлайди.

Йўқ, йўқ, бўри ҳеч қачон
Дўст бўлмайсан биз билан,
Ахир кичик қўзичоқни
Аямасдан егансан.

Қувлаб бориб қуённи,
Тезда етиб оласан.
Бечоранинг бошига
Не кунларни соласан.

Раҳм, шафқат, ачиниш,
Сенга бегона одат.
Бу одатинг дўстликка
Эрур катта хиёнат!

## ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Ҳай-ҳай, Одилвой полвон,
Дарсдан чиқди отилиб.
Ўнгу терсга қарамай
Чопиб кетди шошилиб.
Бирдан дарахт тагида,
Мушукни кўриб қолди.
Кесак отди, қувлади
Охири тутиб олди.
Қийнар чўзиб қулоғин,
Осмонга отиб ўйнар,
Ширингина мушукни
Ўйинчоғим деб ўйлар.
Эзғилайди бошини
Юлиб олди мўйларин.
Ҳолдан тойган мушукча
Ўч олишни ўйлади.
Биғиллайди, дод солар,
Ҳар ён урар ўзини.
Мушук ҳам бўш келмасдан
Тирнаб олди юзини.
Ҳа, Одилвой ўзига
Сотиб олди ташвишни.
Юзи шишган олмадек,
Кимга айтсин қилмишин.

**Муҳаббат ТУРОБОВА**



## ЖАҲОН КУЛАДИ

— Бу маставани катта дошқозонни тўлдириб пиширганингда бўлар экан, — деди эр хотинига.
— Овқатим сизга шунчалик ёқдими, дадажониси.
— Йўқ. Агар шунақа қилсанг бунчалик шўр бўлмасмиди, дейманда.

* * *

— Мен сени кеча оқшом кўрдим. Қандайдир безори пўстинингни ечиб олаётган экан.
— Эҳ!.. Нега дарров етиб келмадинг?
— Ўша ярамасга иккита пўстинни олдириб ўтирмайлик дедим-да.

* * *

— Сен жуда гўзал ва ақлли аёлга уйланган эмишсан.
— Сенга ким айтди?
— Хотининг.

**Ҳабиби СИДДИҚ таржимаси.**

## 2005 йил — Сиҳат ва саломатлик йили

# ЎЗИМ БУТУН — ИЧИМ ТУТУН

## кашандалар ўқимасин

Алкогол ва тамакига ружу қўйишнинг тобора яшариб бораётганлиги, инсон соғлиғини барбод қилибгина қолмай маънавий жароҳатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Жамият орасида яшар экансан, бундай иллатларга бефарқ қараш, ўз ҳаётинг, бахтингни ҳам омонат қилиб қўяётганга ўхшайди. Айниқса, яқин кишиларинг чекиб турганини кузатганингда, хавотиринг янада кучаяди. Тамакидан бурқсиб чиқаётган тутунлар ҳасрати юрагингни кемириб ташлайди. Шундай кашандалар борки, уларни маънан ожиз кимсалар деб атай олмаймиз. Ҳамма нарсани биладилар ва сизу биздан кўра оқу қоранинг фарқини яхшироқ англайдилар. Лекин... Улар ўзлари эътироф этганидек, «аҳмоқона одат»нинг, телба эҳтиёжнинг қулига айланиб бўлишган.

Кашандалардан бири ўз табиатини шундай ифодалайди: «Тасаввур қилинг, бош миямнинг ичи тўла қурт. Улар аҳён-аҳёнда уйғониб, миямни ейишга чоғланади. Ўша топда ҳаловатингни ўғирлаган бу қумурсқаларни фақат ухлатиб тинчийсан. Уларни чекибгина ухлата оласан, холос. Агар сигарет тополмай қолсам, аҳволимга вой!»

Ҳақиқатан ҳам бу шўрликнинг аҳволига вой!

Бу сингари чекувчиларни шифокорлар беш тоифага бўладилар:

Биринчи тоифадагилар — аёллар. Буларнинг аксарияти узун, чиройли бармоқларини ва узукларини намойиш этиш учун, бошқа бирлари эса қоматларини сақлаш учун чекар эканлар.

Иккинчи тоифадагилар — руҳий толиқишни бироз бўлса-да бартараф этиш учун чекадилар.

Учинчилари — бой кишилар, эрмак учун қиммат сигараларни оғизларига қистиришади. Бу тоифадагиларга иллатнинг фожиаларини тушунтириб берсангиз, «севимли машғулот»ларидан воз кечишлари мумкин.

Тўртинчи тоифадагиларнинг эса кашандалик қонқонига сингиб кетган. Уларнинг бу яроқсиз одатларини ўзгартириши қийин кечади. Афсуски, бу тоифадагилар кўпчиликни ташкил қилади.

Бешинчи тоифадагилар аҳён-аҳёнда чекувчилардир.

Мутахассисларнинг фикрича, бу иллат қай даражада авж олишидан қатъий назар, ҳар қандай вазиятда ҳам, ундан халос бўлишга имкон бор. Чунки чекиш инсонни бутқул ўз домига асир қиладиган гиёҳвандликдан тубдан фарқ қилади. Фақат ирода билан «ичдаги хоинни ўлдириб, миядаги қуртлар»дан халос бўлиш учун кучли хоҳиш лозим. Шифокорлар бу дарддан халос бўлишнинг осон ва қулай йўлини таклиф этишади. Биринчи уч кунда 12 дона сақич чайналади, иккинчи уч кунликда саккизта, учинчи уч кунликда олтита, сўнгра 2 дона сақич кифоя қиларкан.



*Жаҳонгир МИРЗО чизган суратлар*

Мабодо олди олинмаса, бу иллат бора-бора киши организмига, ақлий фаолиятига таъсир қилиб, хотира сусайишига олиб келади, овозни ўзгартиради. Юқори нафас йўлларининг яллиғланиши оқибатида, нафас қисиш, ҳансираш ва ўпка саратонига олиб келади.

Ўсмир ёшдаги болаларнинг тамакига ружу қўйиши янада хавфли; ички секреция безларининг бузилиши оқибатида, жисмоний жиҳатдан ривожланиш сусаяди. Чекувчи аёлларнинг фарзандларида чекиш эҳтиёжи нисбатан эрта бошланиб, асаб тизимида турли хасталиклар келиб чиқиши мумкин. Шунингдек, тамаки инсоннинг ташқи кўринишига ҳам таъсир қилади, кашанданинг ранглари ўзгаради, кўз ости салқийди.

Тиббиёт нуқтаи назаридан қаралганда, кашанда ўзи билан бирга ҳаёт кечираётган оиласи, фарзандларини ҳам заҳарлайди. Баъзи мамлакатларда айнан мана шунинг учун турмуш ўртоғи кашандани қонун олдида жавобгарликка тортишгаям ҳаққи бор экан.

Кашандаликнинг кетидан соядек эргашиб юрадиган, ўзининг «куч»ини тезда намоён этадиган яна бир иллат — ичкиликка ружу қўйишдир. У минглаб инсонлар тақдирини издан чиқаришга қодир. Миллионлаб одамлар ҳаётини ҳалокат сари бошлаш қудратига эга. Қанчадан-қанча одамлар мана шу мудҳиш йўлнинг қурбонига айланадилар.

Баъзида сархуш ҳолатдаги тенгдошларимни кўрсам ўйланиб қоламан... Буларни нима мажбур қилган? «Жондан азиз» улфатларнинг хайрихоҳлигими? Билмадим... Шаҳар касалхоналарини кўздан кечириб чиқсангиз, ошқозон яраси, юрак инфаркти, жигар қуриши хасталигидан азият чекаётган кўплаб беморларни кўрасиз. Бу хасталикларнинг сабабини сўрасангиз, илгари кўп ичганлигини, асорати энди билинаётганлигини айтишади. Бу беморлар орасида ёши ҳали қирққа ҳам бормаганларни кўриш нақадар даҳшат.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоб-китобига кўра, тамаки чекиш оқибатида келиб чиқадиган касалликлар туфайли жаҳонда ҳар йили 4 миллион киши ҳалок бўларкан. Автоҳалокатлару мастлик устида бўлган турли жиноятларни ҳам назарда тутсак, табиийки, алкогол хавфидан ҳалок бўлаётганлар сони бундан-да кўпроқ.

Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Ҳар биримиз умримизнинг гўзал ва бахтли лаҳзаларини асрашимиз керак эмасми? Ҳаёт буюк неъмат экан — ўз умримизга зомин бўлишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Мен Сизни, Сиз эса Уни, У Бошқани, Бошқа Ўзгани, хуллас, бир-биримизни бундай балолардан қутқаришимиз лозим. Ичкилик балосидан, тамаки оғусидан бир-биримизни асраш бизнинг жамият ва табиат олдидаги олий бурчимиздир.

**Иқбол ҚЎШШАЕВА**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-48
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48
Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Навбатчи — Фарҳод МАҲКАМОВ
Саҳифаловчи — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 154. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН